O`zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 51 (561)
2007-yil
19-dekabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Муштарийларимиз сафида бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

## ЭЗГУЛИКНИНГ СИНОВЛИ ЙЎЛЛАРИ



**Ўзи орзу қилган Мустақиллик шоирни муносиб эъзозлади, хизматлари юксак даражада эътироф этилди. Муҳтарам Президентимиз Фармонлари билан кўплаб ижодкорлар қатори Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.**

➩ 4-бет

## Европа сиёсатини ўзгартирган можаро



**Кўпчилик таҳлилчилар Москва-Варшава муносабатларини яхшилаш йўлларини тушунтиролмай турган паллада Польша ҳукумати тепасига либерал фикрли, мўътадил қарашли Дональд Туск келди-ю, жуда кўп саволларга жавоб топилди.**

➩ 5-бет

## Ёдгор Саъдиев: «Кино сеҳрли бир кўзгудир»



**Театр ва кино асарлари томошабинни ортидан эргаштириши керак. Биз инсон руҳиятига йўл топиб, қалбларда ҳаётга муҳаббат уйғота оладиган, уни эзгуликка, кези келганда, жасоратга ундайдиган, кайфиятини яхшилашга куч-қудрат бахш этадиган руҳият муҳандисларимиз.**

➩ 8-бет

Қадрият

# Улуғ айём фазилати

***Бугун Ватанимиз илоҳий файзу баракот билан лиммолим тўлган: юртимиз аҳли энг улуғ айёмларимиздан бири бўлмиш Қурбон ҳайитини байрам қилмоқда. Бу кунда мусулмонлар қалбига чексиз қувонч ва шодликка инади. Аллоҳ таолонинг марҳамати ўлароқ берилган бу куннинг шарофатидан жамики ташвишлар, ҳаётнинг турфа муаммолари эсдан чиқади, уришган-аразлашганлар ярашади, барча аҳли мусулмон бир тан, бир жондек ҳис қилади ўзини.***

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келганларида шаҳар аҳолисининг йилда икки кун байрам қилишидан бохабар бўлдилар. Бу байрамлар нима муносабат билан эканлигини сўраганларида, Мадина аҳли Ямандан ва Шомдан тижорат карвонларининг қайтиши муносабати билан эканлигини айтишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларга: «Мен сизларга икки байрамни тайин қилиб бераман, бири муборак Рамазон ойи рўзасини тутиб, гуноҳлардан пок бўлганингиз учун Рамазон ҳайити, иккинчиси Зулҳижжа ойида Ҳаж амалини адо этиб, гуноҳлардан пок бўлганингиз учун Қурбон ҳайити», — дедилар.

Шу сабабли икки ҳайит куни мусулмонларнинг қутлуғ байрами саналади. Айём кунларида бандаларнинг устига Аллоҳ таолонинг чексиз хайру баракаси ёғилади. Бу йилги Қурбон ҳайити 19 декабрь чоршанба кунига тўғри келди, айни шу кун мамлакатимиз халқи учун оммавий байрам ва дам олиш куни эканлиги Президентимизнинг қарорларида ўз аксини топди.

Улуғ айём кунини қандай ўтказиш, нималарга эътибор бериш, қандай амалларни бажариш тўғрисида ҳар бир мусулмон билимга эга бўлиши лозим. Аввало Ҳайит куни намозга боришдан олдин ғусл қилиш, мисвок ёки тиш чўткаси билан оғиз ва милкларни тозалаш, хушбўй нарсалардан сепиш, энг яхши ва тоза либослар кийиб, сўнг масжидга йўл олиш керак. Жамоат билан ҳайит намозини ўқиб бўлгандан кейин, ширинликлар харид қилиб, ота-она, яқинлар ҳузурига бориши, улар билан нонушта қилиб, ҳайитликлар улашиш чиройли амаллардан саналади. Ана ундан кейин ният қилинган бўлса, қурбонликни сўйишга киришиш керак. Қурбонлик қилиш закот, фитр садақаси каби молиявий ибодат бўлиб, у Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва уламолар иж-



моъси билан машруъ бўлган. Қуръоннинг "Ҳаж" сураси 34-ояти каримасида шундай дейилади: **«Биз (ўтган) барча умматга Аллоҳ берган чорва ҳайвонларини (сўйиш) олдидан Унинг номини зикр қилишлари учун қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, (барчаларингизни) илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйин сунингиз ва (эй, Муҳаммад!) Итоат этувчиларга хушхабар беринг!»**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дедилар: *«Батаҳқиқ бугунги кундан бошлаб қиладиган ишимиз аввал ийд намозини ўқиш, сўнгра уйга қайтиб қурбонлик қилишимиздир. Кимдаким шундай қилса, у суннатга мувофиқ иш қилибди. Кимдаким намоздан олдин қурбонлик қилса, у оиласи учун тайёрлаган оддий гўштдир, яъни қурбонлик эмас»*.

Қурбонлик сўйиш ҳайит намозидан кейин бошланади. Кимнинг маблағи закот нисобига етса, яъни бойлар қаторига қўшилса, унга қурбонлик вожибдир. Ўрта ҳол ҳаёт кечирувчи одамларга қурбонлик суннатдир. Камбағаллар учун эса вожиб ҳам, суннат ҳам эмас, балки улар қурбонлик сўйган кишиларнинг эҳсонларидан баҳраманд бўлишса ҳам кифоядир.

Қурбонлик учун 5 ёшли туя, 2 ёшли сигир етти киши номидан, 1 ёшли қўй ва эчки эса бир киши номидан сўйилади.

Қурбонлик учун соғлом, семиз ва бақувват ҳайвонлар танланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар: *«Қурбонликка ҳайвонларнинг каттароғини сўйинглар, чунки у сизлар Сирот кўпригидан миниб ўтадиган маркабларингиз бўлади»*. Қурбонликни эгасининг ўзи сўйиши яхшироқдир. Агар қассоб сўйса, қурбонлик соҳиби ҳайвоннинг бир четидан ушлаб туради. Қассоб эса: «Бу ҳайвон Фалончи ўғли (қизи) Фалончи номидан қурбонлик, Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар», деб иш бошлайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Фотима (р.а.) онамизга: *«Эй Фотима, қурбонлигинг сўйилаётганда, ўзинг унинг бир четидан ушлаб тургин, чунки қурбонликка сўйилаётган ҳайвон биринчи томган қонидан бошлаб охирги қатрасигача эгасининг номига Аллоҳдан мағфират сўраб, салавот айтиб туради»*, — дедилар.

*Давоми 2-бетда.*

***23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни***

# Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 18 декабрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси А. Аҳмедов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидладилар.

***

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамовнинг ҳам Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви 18 декабрь куни бўлиб ўтди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қобилов очди. Йиғилганлар номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Рустамов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темиров, Жиззах шаҳар акушерлик комплекси катта ҳамшираси Лайло Исаева ва бошқалар сўзга чиқди. Учрашув иштирокчилари сайловчиларни шу йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирдилар.

# Муборак сафар

**Саудия Арабистонининг Мино водийсидан махсус мухбиримиз Пўлат ГАДОЕВ хабар қилади:**

Муқаддас Ҳаж сафарига йўл олган ўзбекистонлик зиёратчилар айни пайтда Макка шаҳри яқинидаги Мино водийсида Ҳажнинг асосий рукнларини адо этмоқдалар. Қурбон ҳайитига қадар Минода — "Чодирлар водийси"да ибодатда бўлиш Ҳажнинг фазилатли амалларидан саналади.

Бу йил беш мингдан ошиқ юртдошимиз муқаддам зиёратни адо этиш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Сафарнинг дастлабки кунлари ўзбекистонлик зиёратчилар "Пайғамбар шаҳри" дея шарафланган Мадинаи Мунавварада бўлдилар. Бу ерда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг муборак равзалари — қабрлари зиёрат этилди, Ислом оламидаги муқаддас масканлардан бири саналган Масжидун-Набавийдаи ибодат ва дуолар қилинди. Мадинада Ислом тарихида биринчи бўлиб бунёд этилган Қубо масжиди, Икки қибла масжиди (Масжиди қиблатайн), Бақиъ қабристони, Уҳуд тоғи этагидаги шаҳидлар маскани каби муқаддас қадамжолар бор. Ҳамюртларимиз ушбу масканларни ҳам зиёрат қилдилар.

Шундан кейин ўзбекистонлик ҳожилар қулай ва тезюрар автобусларда ўтириб, эҳром кийган ҳолда, Ҳажнинг асосий рукнларини адо этиш учун Маккаи Мукаррама шаҳрига келдилар.

Бутун дунё мусулмонларини оҳанрабо каби ўзига тортувчи ушбу шаҳарда Масжидул-ҳаром ва Каъбаи Муаззама жойлашган. Юртдошларимиз Каъбаи шарифни тавоф этиш ва беш вақт намозни Масжидул-ҳаромда адо этиш имконига эга бўлмоқдалар. Бунинг учун кечаю кундуз транспорт қатнови йўлга қўйилган.

Муқаддас зиёрат учун Саудия Арабистонига келган юртдошларимиз улар учун яратилган қулайликлар ва енгилликлардан ғоят мамнун бўлмоқдалар. Ўзбекистонлик ҳожилар Макка шаҳридаги энг муҳташам меҳмонхоналарга жойлашганлар. Ҳожиларимизнинг яшаши, овқатланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Меҳмонхоналарда ташкил этилган тиббий хизмат марказлари кеча-кундуз ишлаб турибди. Юртимиздан келган ошпазлар ҳожиларимизга ширин таомлар тайёрлаб бермоқдалар.

Ҳаж арконларига кўра, зиёратчилар Қурбон ҳайити кунлари Мино музофотида бўладилар. Ушбу фазилатли кунларда Арафот водийсида ибодатлар қилинади, Муздалифа ерида бир кеча ўтказилади, Минода шайтонга қарши тош отиш амали бажарилади, Яратганга шукроналик рамзи сифатида қурбонликлар қилинади, Каъбаи Муаззамаи тавоф этилади. Юртдошларимиз ушбу амалларнинг барчасини тўла-тўкис адо этмоқдалар. Улар ўз ибодат ва дуоларида Ватанимиз осмони мусаффолиги, мустақил Ўзбекистонимиз тинчлик-осойишталиги ва равнақи бардавом бўлишини тиламоқдалар.

Зиёрат

***Аллоҳ таолога шукроналар бўлсинким, бугунги кунда беш мингдан зиёд юртдошимиз Саудия Арабистонида ислом динининг бешинчи рукни бўлмиш Ҳаж ибодатини адо этмоқдалар.***

# Шукрона



Муборак сафарга келганлар орасида фахрийларимиз кўпчиликни ташкил этади. Маълумки, собиқ шўролар даврида бу муқаддас ибодатни адо этишлик ота-боболаримиз учун армон бўлган. Уларнинг кўпчилиги бугунги ёруғ кунларга ета олмай, дунёдан армон ила ўтиб кетдилар.

Яратган Правардигорга қанча шукроналар қилсак ҳам оз. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бугунги кунда диёримиз мусулмонлари муқаддас динимизнинг барча арконлари, шу жумладан, муқаддас Ҳаж ибодатини ҳам эмин-эркинликда адо этмоқдалар. Бу хайрли ишда давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак мақомнинг берилиши мамлакатимизда диний соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эътирофидир.

Диёримиздан келган ҳожиларга ташкилий гуруҳ томонидан юқори даражада хизмат кўрсатилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзимиз Ўзбекистондан йироқда бўлсак-да, Ватанимизда бўлаётган воқеалар, хушхабарлардан доимо воқиф бўлмоқдамиз. Келаётган янги 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бошқалар қатори биз фахрийларни ҳам қувонтирди.

Биз, табаррук ёшдаги фахрийлар, Аллоҳ таолодан мустақил Ватанимиз осмони мусаффо, халқимиз ҳаёти тинч ва фаровон бўлишлигини сўраб дуодамиз.

*Ўзбекистонлик фахрий ҳожилар номидан:*

**Мадамин ҲАСАНОВ, Мино водийси.**

Тадбир

# Ёшлик ва шижоат баҳслари

***Яқинда Нуробод ва Қўшработ туманида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлигининг 5 йиллиги муносабати билан оммавий спорт тадбирлари ўтказилди. Тадбирни очиш аввалидаги табрик сўзларида бу икки туман учун бу йил қутлуғ келганлиги бундай тадбирлар ёш спортчиларни кашф этиш учун имконият эканлиги алоҳида таъкидланди.***



Меҳмонлар дастлаб ўйингоҳ четкасидаги майдончага арча кўчатларини ўтқазишди. Мусобақа бош ҳаками барча спортчилар ўйинга шай эканликлари ҳақида маълумот бергач, майдонга чавандозлар, ёш футболчилару гимнастикачилар ва бошқа кўплаб спортчилар кириб келишди. Мусобақа иштирокчилари спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кескин кураш олиб бордилар. Беллашувлар орасида миллий халқ ўйинларимизга катта ўрин берилганлиги томошабинларнинг диққат-эътиборини тортди. Қирқтош, арқон тортиш ва миллий кураш сингари ўйинлар муросасиз курашларга бой бўлди. Мусоқаба якунига етгач, ғолиблар сараланди.

Қирқтош ўйинида 4-мактаб жамоаси ғолиб бўлди. Арғумчоқда сакрашда эса 4-мактаб ўқитувчиси Нафосат Дилмоновага ҳеч ким тенг келолмади. Миллий курашда жамоа ҳисобида 40-мактаб биринчи ўринни эгаллади. 2-мактабнинг ўғил ва қизлари волейбол мусобақасининг биринчи шоҳсупасини банд этишди. Чиллак улоқтириш ўйинида 17-мактаб ўқувчиси Ж. Жонузоқов маҳорати биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Спортнинг бошқа турлари ўтказилган баҳслар ҳам муросасиз курашлар остида кечди. 500 метрга югуришда Қўшработ педагогика коллежи талабаси Гулҳаё Қодировага тенг келадиган рақиб топилмади. Ўктам Тошназаров (82-мактаб) 1000 метрга югуришда биринчи ўринни эгаллаб, бош соврин эгаси бўлди. 82-мактаб ўқувчиси Юлдуз Эшқувватова мусобақанинг энг ёш иштирокчиси сифатида тақдирланди.

И. Эшқулова, 7-мактаб ўқувчиси, югуриш (60 метр) мусобақаси ғолибаси:

— Бугун қувончим чексиз. Бир қанча рақибларимни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгалладим. Муваффақиятим замирида аввало, тиришқоқлик мужассам. Мен мунтазам равишда спортнинг бу тури билан шуғулланиб келаман.

Э. Шомуродов, 3-мактаб ўқувчиси, миллий кураш бўйича мусобақа ғолиби:

— Мактабимизда фаолият кўрсатаётган миллий кураш секциясида мунтазам иштирок этиб, маҳоратимни ошириб бораяпман. Ниятим — келажакда моҳир курашчи бўлиб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишдир.

***Мусобақа ғолиблари муносиб тақдирландилар. Тадбирда Эркин Қайтаров, Дилшод Останақулов сингари эл ардоғидаги санъаткорлар ижросида ёшликни, дўстликни, Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.***

**Мамадали ЖАЛОЛОВ,
Ойсанам ТЎРАҚУЛОВА**

***Пойтахтимиздаги "Redisson SAS" меҳмонхонасида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 2007 йилда амалга оширилган лойиҳаларнинг якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.***

## Ижтимоий ҳимоя якунларига бағишланди

Тадбирда республикамиз нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижроия ҳокимияти, халқаро ташкилот ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман давомида республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида изчил чора-тадбирлар олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланган 2007 йилда бутун мамлакатимиз миқёсида улкан хайрли тадбирлар амалга оширилгани эътироф этилди.

Тадбирда фонд лойиҳалари ва дастурларининг 2007 йилдаги ижроси муҳокама қилинди, келгуси йилда амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар режаси белгилаб олинди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди 2006 йилнинг октябрида ташкил этилган эди. Ўтган муддат ичида мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти қатор ижтимоий лойиҳа ва дастурларни амалга татбиқ этишда иштирок этди. Фонд келгуси 2008 йилда ҳам мазкур йўналишдаги дастурларни изчил давом эттиришни режалаштирмоқда.

**Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА**

Ибрат

# Маҳалла – аҳиллик қўрғони

**Ҳаётнинг пасту баланди,оғир-енгил кунлари кўп.Маҳаллада иноқ бўлиб яшаганлар шундай кезлари ўзларининг ёлғиз эмасликларини дил-дилдан ҳис этадилар. Чунки маҳалла ҳам онанг, ҳам отангдир. Бу ҳақиқатни Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги «Навбаҳор» маҳалласи аҳолиси ҳам яхши англашади.**

Бу маҳалланинг бир томони Халқлар дўстлиги шоҳ кўчасига туташса, бир ёни қадимий ажиб афсоналарга бой сер жилва,серқатнов Қатортол аталмиш кўчага туташади. Айтишларича, авваллари бу ерлар дилни сиёҳ қилгувчи кўримсиз манзара, балчиқ ҳиди анқиган ботқоқликлардан иборат бўлган. Бундай кўринишдан ранжиган маҳалла оқсоқоллари йиғилишиб унга барҳам бериш пайига тушадилар. Маҳалланинг ёшу қариси биргалашиб ариқларни чиқиндилардан тозалашиб кўчатлар экишга киришадилар. Кўпчиликнинг ёрдами билан кўчалар асфальтланди. Янги-янги кўп қаватли шинам уй-жойлар қад тиклади. Мустақиллик шарофати, Президентимиз фармойиши билан «Навбаҳор»маҳалласи ташкил топиб,турли миллат вакиллари аҳил-иноқ маскан қуриб камол топмоқда.

Ҳозирда мазкур маҳаллада 43 та кўп хонадонли уй бўлиб,8460 дан ортиқ аҳоли яшайди. Менинг ҳаётдаги шиорим инсонларга меҳр кўрсатиб яшаш; — дея сўз бошлади маҳалла оқсоқоли Муҳамадин Жариякаганов, — ота-онам оламдан ўтганидан сўнг болалар уйида улғайдим. Ўзим асли Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманиданман. Мени Ўзбекистонга келиб Тошкент давлат юридик институтида ўқишимга сабабчи бўлган, ўзгаларга меҳрибон бўлиб яшашни ўргатган биринчи ўқитувчим Мария Умаровадир. Мен ана шу инсондан бир умр миннатдорман. Мени маҳалла раиси қилиб сайлашганида бажонидил рози бўлдим. Биласизми, ўзбек маҳаллаларининг довруғи бутун дунёга кетган. Токиода ўзбек маҳалласи ҳақида китоб нашр этилибди. Маҳалла аҳиллик қўрғонидир. Бизнинг маҳалламиз одамлари ҳам жуда аҳил яшашади. Маҳалламизда кўп миллатли ёш оилалар кўп. Шу сабабли болалар тарбиясига кўпроқ эътибор беришимиз керак. Шунинг замирида болалар шуғулланишлари учун бир нечта спорт секциялари очганмиз. Бу тўгаракларда улар шоҳмот-шашка, теннис ўйинларини ўйнашади. Футбол мусобақасини ўтказамиз. Айниқса, шу йилнинг апрель ойдаги мусобақамиз жуда қизиқарли ўтди. Беллашувни томоша қилсангиз болаларнинг ёши катта-кичиклигига қарамай, ўйинда бир хил ҳаракат қилишди. Ўша куни ғолиб бўлганларга Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан совғалар берилди. Дарахтнинг тик ўсиши учун ниҳоллигидан этибор бериш зарур бўлгани каби, инсонни ҳам спорт билан ҳамнафас яшашга болалигидан кўниктириб бориш, унинг келажагида муҳим роль ўйнайди. Болалиги бизнинг маҳалламизда кечган инсон, аминманки, умри мобайнида спортни севиб яшайди. Маҳалла тарбия маскани баробарида чиндан ўзига хос даргоҳ, «Ёшлар келажагимиз» номли тадбир ўтказамиз. Бунда маҳалланинг аълочи ўқувчилари номи тилга олинади. Элчиликда интизоми бўшроқ, яхши ўқимайдиган болаларни ота-оналари билан маслаҳат қилган ҳолда уларнинг мактабларига бориб яхши ўқишлари учун рағбатлантириш ишларини ташкил қилаяпмиз. Шу боис ўқиши суст болалар бармоқ билан санарли ҳолда. Биласизми, — дейди Муҳамадин ака сўзида давом этиб, маҳаллада аҳилликни раиснинг бир ўзи яратолмайди. Бунда, аввало, маҳалланинг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси, хотин-қизлар қўмитаси раисаси, ёши улуғ онахон-отахонлар, ишбилармон одамлари ўзаро бирлашсалар ана ўшанда маҳалла, маҳалла бўлади-да. Шу жумладан айтмоқчиманки, бизнинг маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Муҳаррам Абдуллаева жуда яхши ишлаяпти. Кўп мақтаб юборманг деб, суҳбатимизга қўшилади Муҳаррам опа кулиб.



Анча йиллар давомида милиция соҳасида ишладим. Очиғи, чиройли муомала қилишни, турли-туман одамлар билан тил топишишни ана шу даргоҳда ўргандим. Аёл дардини аёл кўпроқ тушунади деганларидек, адашган аёлларни тўғри йўлга солиш биринчи галдаги вазифамиз. Шундай аёллардан бири Л. К. 4-уйда яшайди. Ҳеч кими йўқ, бекорчиликдан ичиб-чекиб юрарди. Қўшнилар билан келишиб йўлак бошчиси қилиб тайинладик. Моддий ёрдам бердик. Бинойидек ишлаб юрибди. Яна шундайлардан бири С. И. ҳам ишсиз эди. Бу аёлни ҳам иш билан таъминладик. Аҳолини моддий томондан кам таъминланган қатламига саховат ва кўмак кўрсатиш халқимизнинг азалий удумларидандир. Биз ҳам ушбу удумга амал қилиб, маҳаллада кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қаровчисиз қолган кишиларга қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатаяпмиз.

Маҳалламизда кўпни кўрган ёши улуғ отахон-онахонларимиз кўп. Бундай ўзаро апоқ-чапоқ бўлиб, уюшиб кетишларига маҳалла оқсоқолларининг ўша мўъжазгина чойхонада ора-орада йиғилишиб, барчанинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш, хайрли ишларни бажаришларга, ҳашар йўли билан ёндошиш борасидаги гап-сўзлари, амалий саъй-ҳаракатлари сабабдир. Ана шундай йиғилишларда отахонларимиз тўйларни, турли маросимларни тартибли, камчиқим қилиб ўтказиш ҳақида суҳбатлашадилар. Бу суҳбатларнинг катта таъсири бўлди. Ҳа, айтгандек яна бир воқеага тўхталмасак бўлмас, маҳалламизда бир ўқитувчи аёл қизини турмушга узатмоқчи эди. Қуда томон кунлар совиб кетмасдан тўйни ўтказа қолайлик деб шоширди. Бўлажак куёв ақлли, ўқимишли, яхши хонадоннинг фарзанди экан. Лекин бева аёлнинг қўли бироз қисқалик қилди. Бундан хабар топган маҳалла раиси эрта тонгданоқ бутун маҳаллани оёққа турғазди. Саховатли инсонларни йиғиб, тўйга бош-қош бўлди. Муҳамадин аканинг бундай хайрли ишлари жуда кўп.

Маҳалла оқсоқоли ва Муҳаррам опа билан айни суҳбатимиз қизиган чоғида хонага маҳалла таянч пункти катта участка нозири Жўрабек Камолов кириб келди. Суҳбатимиз янада қизғин тус олди.

— Муҳамадин ака билан жуда яхши ишлаяпмиз. Тартиб-интизом жойида, — дейди у.

Суҳбатимиз бошида айтганимиздек, маҳалла бўлиб яшашда ҳикмат кўп. Мураккаб шароитларда инсон ўзини ёлғиз ҳис этмайди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам, миллати ким бўлишидан қатъи назар, маҳалла керак. У инсонларни бирлаштиради. Маҳалланинг ҳар бир фуқароси Ватаннинг бир бўлаги эканлигини ҳис этиб яшайди.

**Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА,**
**журналист.**

## Ҳаво тўлқинларида

### «Yoshlar» да «Дебат шоу»

2008 йилда «Yoshlar» радиоканали ижодкорлари янги бир лойиҳа билан ўз тингловчиларини хушнуд қилишмоқчи. «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тайёрланилиши режалаштирилаётган «Дебат шоу»да иштирокчилар маълум мавзу юзасидан мунозара олиб боришади.Анъанавий дебатлардан қолишмайдиган тарзда ташкиллаштирилиши кутилаётган бу эшиттириш орқали ажаб эмаски, ёшларни қийнаётган катта-кичик муаммолар ўз ечимини топса.

### «Тарих ва биз» — янги шаклда

«Yoshlar» радиоканалида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни соат $16^{10}$ да эфирга узатилаётган «Тарих ва биз» эшиттириши янги йилда янгича кўриниш касб этиши кутилмоқда.Радиоканал шарҳловчиси Раҳима Раҳматованинг маълумот беришича, мазкур эшиттиришда январь ойидан бошлаб бирор бир тарихий воқеа шунчаки баён этилмай, унга муносабат билдирилади. Ёшларнинг ўтмишимиздаги бирор воқеага оид фикрлари таҳлил қилиниб, шунга мос тарихий фильм ёки саҳна асарларидан парчалар бериб борилиши режалаштирилган.

### «Арена - бу сизнинг минбарингиз»

«Mash`al» радиоканали орқали эфирга узатилаётган «Арена» викторинаси муаллифи Норбек Ниёзов билан суҳбатлашдик.

– Дастурингиз кимлар учун мўлжалланган?

– Фақат ва фақат футбол ишқибозлари учун!

– Иштирокчиларнинг ёш чегараси қандай?

– Улар 15 ёшдан 80 ёшгача десам муболаға бўлмайди.

– «Арена - бу сизнинг минбарингиз». Бот-бот такрорлайдиган бу сўзлар орқали айтмоқчи бўлганингиз...

– Бу дастуримизнинг шиори. Футбол — улкан олам. Бу олам кишиларининг ўз «кумир»лари бор. Уларнинг футбол борасидаги фикрлари уммон.Уларни ҳам кимдир тинглаши керак-ку! Биз эшиттиришда тингловчиларга бундай имкониятни тақдим этамиз.

– Миллий футболимиздаги бугунги жараён хусусида фикрингиз қандай?

— Келинг яхшиси, бу ҳақда "Арена"да гаплашамиз. Ҳар душанба ва пайшанба кунлари соат $18^{05}$дан $19^{00}$ гача. «Арена»да бизни тингланг.

### "Катта танаффус"га марҳамат!

Янги йилни кимдир хушнудликда, яна кимдир эҳтимол бироз хомуш тортиб кутиб олса, катта бўлиш орзусидаги болалар бу байрамдан фақатгина шодлик топишади. Шуни ҳисобга олган ҳолда "O`zbekiston"радиоканалининг маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар муҳарририяти болалар учун мўлжалланган янги лойиҳалар устида изланишлар олиб боришмоқда. Январь ойидан эфирга узатилиши кутилаётган "Катта танаффус" эшиттириши шу мақсаднинг дебочасидир. Муҳаррир Ҳалима Махамадсаидованинг айтишича, эшиттириш ҳар куни ўқувчилар катта танаффусга чиқадиган вақт (соат 11.20)да бериб борилиши режалаштирилган бўлиб, унда болалар ҳаёти болалар тилидан ёритилади.

### "Хўрозқанд"дан баҳраманд бўлинг

"Келажак тонги" студиясининг "Хўрозқанд" лойиҳасини "O`zbekiston" телерадиоканалининг ёш мухлислари яхши билишади. Мазкур ҳажвий-юмористик эшиттириш ҳар куни эрталаб соат 6.45 дан 7.00гача эфирга узатилади. У бир неча ички қисмлардан иборат бўлиб, "Айтди Топдиев хабар қилади", "Бир ёлғондан қирқ ёлғон", "Жинибозор ҳангомалари" каби рукнлари ўз тингловчиларини топиб улгурган. Янги йилда бу эшиттириш ҳам ёш авлод хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда мазмунан бойитилиши ҳақида фикр билдирилмоқда.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**

# Улуғ айём фазилати

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қурбонлик учун сўйилган гўшт учга тақсим қилиниб, бир қисми оила аъзолари учун олиб қолинади, иккинчи қисми хомича қўни-қўшни, қариндошларга ҳадя қилинади. Учинчи қисми эса уйга меҳмон чақириб, пишириб едирилса, айни мустаҳабдир. Қурбонлик гўштидан эгасининг ўзи, оиласи, бола-чақаси, меҳмон чақирилса, бой одам ҳам, камбағал ҳам бемалол ейиши мумкин. Агар серфарзанд бўлса, ҳаммасини ўз оиласи учун олиб қўйиш афзал. Мусулмон бўлмаган қўшниларга ҳам қурбонлик гўштидан бериш мусулмонлик зийнатидан саналади. Қурбонлик терисини сотиш, қассобга меҳнатининг эвазига бериш мумкин эмас, у фақир кишига садақа қилинади ёки рўзғорда ишлатиш учун олиб қўйилади.

Қурбонликка юқорида зикр этилганидек, ҳар томонлама соғ ва семиз бўлган жонлиқларни сўйиш шариатимиз кўрсатмаларидир. Бунинг ўзига хос ҳикматлари бор, албатта. Биринчи ҳикмат — бу қурбонлик Аллоҳ таолога атаб қилингани учун уни соғ-саломат, ҳеч бир нуқсонсиз бўлишига уриниш Аллоҳ таолога нисбатан юксак одобни кўрсатади. Аслида Аллоҳга унинг гўшти ҳам, қони ҳам етмайди, балки бандаларнинг тақвоси етади. Иккинчи ҳикмат шуки, бу амал мусулмонларнинг ўзаро меҳр-оқибатларини мустаҳкамлайди. Уларга касал ҳайвонларнинг гўштини эмас, балки соғ ва семиз ҳайвонларнинг гўштини совға қилиш хайрли ишлардандир.

Аллоҳ таоло барчаларимизга ушбу улуғ айёмни муборак айласин! Келгуси йилни бизларга баракотли қилиб берсин, юртимизни тинч, Ватанимизни обод, ҳаётимизни фаровон қилсин!

**Раҳматуллоҳ қори ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳридаги**
**Шайх Зайниддин**
**жомеъ масжидининг**
**имом-хатиби.**

Хабар

# Захмат қаноти

*Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ бадиий ижодиёти факультети оммавий байрамлар режиссураси бўлими битирувчиси Шодмон Қосимовнинг малакавий битирув иши намойиш этилди.*

*Унда ранг-баранг, бетакрор тимсолларни маҳорат билан талқин этувчи актёр, истеъдодли режиссёр, сўз устаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Толиб Хожиевнинг ижодий фаолияти ёрқин акс эттириб берилди. Тадбирда «Шариф ва Маъриф», «Ака Шариф Тошкентда», «Мерган милиция», сингари фильмлар, «Эр хўроз», «Бозорнинг дарвозаси йўқми?», «Эр-хотин уруши», «Ярим ҳазил», «Спортсмен», каби элликдан ортиқ саҳна кўринишларида моҳир сўз устаси Толиб Ҳожиев, сатира театри режиссёри, актёр Абдурашид Жўраев ва ёш актёр Эргаш Ҳожиевлар иштирок этдилар.*

*Қатнашчилар ўзларининг ижодлари ҳақида сўзлаб, талабалар қалбига янада яқинлашдилар. Зеро, санъат дунёга машҳур ёзувчи Драйзер таъбирича, «Одамларнинг руҳидили аро сақланадиган, захмат ва машаққат қанотлари билан йиғиладиган асалдир».*

**Ҳилола ИСЛОМОВА,**
**талаба.**


Ҳурматли юртдошлар,
қадрли акциядорларимиз ва мижозларимиз!



Акционерлик тижорат "ПАХТА БАНК"



*Сизларни муборак Қурбон ҳайити байрами билан чин дилдан қутлайди.*

Барчангизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.
"Пахта банк" Сизга йиллик **30 фоизли** **"Ифтихор"** жамғарма омонат турини таклиф этади.

*Маблағлар **1, 3, 6, 9, 12** ва **15 ойлик муддат**га сақлаш шарти билан қабул қилинади.*

**Бошланғич бадали 50 000 сўм.**

Шошилинг, маблағлар жорий йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

*Ўзингизга бир йилга татигулик совға қилинг!*

**«Пахта банк» – фаровонлигингиз калитидир!**





Танлов

# Ғолиблар тақдирланди

***Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрни шакллантириш ва ривожлантириш билан жамиятнинг маданиятини оширишга хизмат қилади. Тиббий маданиятни ҳам, албатта. Мана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликда бундан бир неча ой олдин унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида танлов эълон қилганди.***

Миллий дастур тарғиботи, унинг доирасида қилинаётган ишлар хусусида ва аҳолига бу борада тушунтириш вазифаси журналистларга ишонилганди. Эътиборлиси мазкур танловнинг республикамизда учинчи бор ташкил этилишидир. Бундан асосий мақсад журналистларимизнинг жамиятдаги ролини ошириш, билим ва маҳоратларини янада яхшилаш, қолаверса, иқтисодий рағбатлантириш ҳамда аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган.

Яқинда пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида юқорида айтиб ўтилган танловнинг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўз олиб, журналистларимизни мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бутун жаҳонда муаммолигича қолиб келаётган темир танқислигининг олдини олиш ва жамиятимизда соғлом авлодни вояга етказишда қилаётган ҳаркатлари учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, бу нафақат журналистларни, балки ҳаммамизнинг олдимизда турган долзарб масалалардан бири эканлигига ҳам алоҳида урғу берди.



Бугунги кунда бозорларимиз ва савдо масканларида микроэлементлар билан тўйдирилган ун ва йодланган ош тузлари кераклигича сотилмоқда. Афсуски, кўп ҳолларда юртдошларимиз бунга жиддий қарамаяпти. Бу ҳолат келажакда салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни болаларнинг тўлақонли ривожланмаслиги ёки катталарнинг иш фаолиятига ҳам ёмон таъсир кўрсатиш эҳтимоли анча юқори. Ҳар томонлама соғлом бўлган авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Аҳоли ўртасида бу ғояни тушунтиришда ва миллий дастурнинг бажарилишида ҳам журналистларнинг хизмати катта бўлди. Яна бир гап, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб борилялти. Жумладан, БМТнинг ЮНИСЕФ – болалар ташкилоти билан кўплаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Буларнинг ҳаммаси сифатли маҳсулотлар етказиб бериш билан биргаликда аҳолини юқумли касалликлардан асрашга қаратилган. Бунда бевосита журналистларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис тадбирда сўз олганлар қалам аҳлини янада мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилишга чақирди.

Танловнинг республикамизда уч бора ўтказилаётганини ҳисобга олсак, бу ўтган даврда ОАВ ходимларининг малака ва маҳорати олдинги йилларга нисбатан анча ошганлигини улар тақдим этган материалларга қараб сезиш қийин эмас. Журналистлар сонининг кенгайиб ва ижтимоийлашиб бораётгани ҳаммамизни бирдек қувонтиради. Аҳамиятлиси, бу йилги танловда марказий нашрлардан кўра вилоят ва туман матбуоти ходимлари кўпроқ ўз ижод намуналари билан қатнашганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Унни бойитиш миллий дастурининг оммавий ахборот воситаларидаги тарғиботидаги танловда барча вилоят, шаҳар ва туман телерадио, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан саксондан ортиқ вакиллар ўз ижодий ишлари билан қатнашди.

Тадбирда барча йўналишларда ғолиблар эълон қилинди. Улар орасида Мукаррам Жалилова, Чори Латипов, Альфия Харченко, Юсуф Хайруллаев, Жаҳонгир Исмоилов сингари журналистларни келтириб ўтиш мумкин.

Шунингдек, ўзининг ёзган мақолаларини "Ҳуррият"да чоп этиб ва танловда қатнашиш учун ариза бериб, энг яхшилардан бири деб топилган Дилафрўз Тўрақулова каби талабаларнинг совриндорлар орасида борлиги танлов кўлами кенглигини кўрсатади.

**Азим РЎЗИЕВ**

Ижодий ҳамкорлик

# Фойдадан холи эмас

***Ҳар бир таҳририят ўз нашрини омма учун чиқаради. “Одамлар ўқиса нима деркин?”, “Қандай ёзсак, кўпчилик учун қизиқарли бўларкин” деган нуқтаи назар билан ишлайди.***

***Барча таҳририятларда бўлгани каби “Ҳуррият” почтасига ҳам ҳар куни ўнлаб мактублар келади. Ҳеч бир истисносиз уларнинг ҳар бири ўқилади, ўрганилади, эътиборга олинади. Эндиликда мамлакатимиздаги минтақа таҳририятлари билан ижодий ҳамкорлик қилишни доимий иш режамизга киритдик. Шу билан бирга таҳририятлардан ва муштарийларимиздан келган мактубларни иложи борича таҳрир қилмаслик, мамлакатимиздаги ОАВлари, айниқса, вилоят, туман рўзномалари билан Янги йилда янада мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирмоқдамиз.***



Таҳририятимизга келган қуйидаги мактублар байрамолди кайфиятига мос равишда асосан табриклар, эътирофлар ва обуна масалаларига бағишланган. Жумладан, **Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Марказий Фарғона” газетаси таҳририяти**дан келган хатда шундай дейилади:

*“Ҳуррият” бизнинг кўп йиллик севимли газетамиз. Унинг кейинги пайтда янада ранг-баранг, мазмунли, кўп саҳифали бўлиб бораётгани мухлисларни қувонтирмоқда.*

*Биз 2008 йил учун таҳририят ҳамда таҳририят ҳисобидан яна 2 нафар ходимни йиллик обуна қилдик. Шунингдек, “Ҳуррият” туман ҳокимлиги уюштираётган 2008 йил учун республика нашрлар обунаси рўйхатига ҳам киритилган, туманимиз бўйича ҳам севимли газетамизга ҳар йилгидан кўп обуна бўлиниши кутилмоқда”.*

Жойларда газетамизга нисбатан билдирилаётган бундай илиқ муносабат ҳар биримизга мамнуният бағишлайди, албатта. Лекин мамлакатимиздаги мустақил нашр бўлган — «Ҳуррият» бу муносабатдан ўзига қарздорлик ҳам туяди. Шу боис, таҳририятимиз республикамиздаги барча туман газеталарига ва кўплаб журналистларга мактуб йўллади. Унда асосан ижодий ҳамкорлик ва ижодий фаоллик таклиф этилди. Ўз навбатида улардан жавоб хатлари ҳам олинмоқда. Шундай мактублардан бири **Қорақалпоғистон Республикаси «Тўрткўлнома» газетаси таҳририяти**дан келган.

*«Республикамизнинг чекка бир ҳудудидаги туман газетаси «Тўрткўлнома»ни эътиборга олиб хат йўллаганингиздан ғоят мамнунмиз.*

*Албатта, ҳамкорликда ҳикмат кўп. Айниқса, у ижодий ҳамкорлик бўлса янада самарали бўлиши шубҳасиз. «Тўрткўлнома» газетаси таҳририяти ижодий жамоаси Сизлар томондан таклиф қилинган келгусидаги ижодий ҳамкорликни бажонидил қабул қиламиз».*

**Хоразм вилояти “Урганч оқшоми” газетаси таҳририяти**дан келган мактуб ҳам шу хусусда:

*«Таҳририятга йўллаган самимий мактубингизни дўстона алоқаларимиз дебочаси деб билдик. Энди ижодкорона биродарлигимизни кенг йўлга қўйишни қарз англадик.*

*2008 йил учун «Ҳуррият»га обуна бўлишимиз табиий. Ижодий ҳамкорликдан ҳамиша мамнун бўламиз».*

**Бухоро вилояти “Вобкент ҳаёти” газетаси муҳаррири Т. Хусенов** эса ўз мактубида:

*“Таҳририятимиз билан жамоангизнинг ижодий ҳамкорлик қилиш ниятида эканликларидан беҳад мамнун бўлдик.*

*Бизнинг ижодий жамоамиз аъзоларининг публицистик ва адабий-бадиий битикларини юбориб турамиз. Ўз навбатида жамоангиздан шуни кутиб қоламиз”,* дея умид билдирган.

**Бухородаги “Хабарчи” газетаси МЧЖ директори А. Исхаков** ўзининг самимий фикрларини қуйидагича йўллаган:

*“Мы с радостью восприняли ваше предложение о сотрудничестве с вашей уважаемой газетой. Мы очень рады, что в Ташкенте есть газета, которая думает о нашей газете “Хабарчи” в Бухаре и протягивает нам руку помощи, за что еще раз Вам большое спасибо”.*

**Қашқадарё вилоятидан «Китоб тонги», «Насаф» газеталари ва Наманган вилояти «Камолот» газетаси таҳририятлари** айни қизғин паллада обуна ҳақида маълумот беришни ҳам унутишмабди. Жумладан, китоблик ҳамкасбларимиз шундай мактуб йўллашган:

*“Ушбу мустақил нашр ташкил топганидан буён таҳририятимиз ходимлари, қолаверса, жамоатчи мухбирларимиз, айрим газетхонлар ҳам, “Ҳуррият”ни севиб ўқишади.*

*“Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ҳуррият”, “Ўзбекистон матбуоти” таҳририятимиз газета тахламлари орасида, албатта бўлади ва йиллик обунасини амалга оширдик”.*

**Наманганлик ҳамкасбларимиз** хатида:

*«Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиздаги мавжуд ОАВлари орасида мустақил матбуот нашри — «Ҳуррият» биз — қалам аҳлининг энг севимли газетаси ҳисобланибгина қолмай, балки, етакчи сифатида ҳам тан олинади.*

*«Камолот» ижтимоий-сиёсий, адабий газетаси ижодий жамоаси уни ҳар йили ўзининг яқин ҳамкори, деб билади».*

**Сурхондарё вилояти “Жаркўрғон” газетаси муҳарририятидан** ҳам ҳурмат, ҳам эҳтиром маъносида мактуб олдик.

*“Жаркўрғон”чилар “Ҳуррият”га алоҳида меҳр билан қарайдилар ва 1997 йилдан бери мунтазам обуна орқали ўқиб келадилар: Ёқтириб қолган мақолалардан “Ҳуррият”дан олинди”, деб фойдаланганмиз ҳам.*

*Келгусида газетангиздан янада бой маънавий озуқа олиш ниятида 2008 йил учун обуна бўлдик. Бошқа газетхонларни ҳам шунга ундаймиз. “Ҳуррият”боп битиклардан юборамиз ҳам”.*

**Андижон вилояти “Янги ҳаёт” газетаси**дан келган мактуб ҳажм жиҳатдан ажралиб туради. Чунки унда газетамиз билан ижодий ҳамкорлик қилишни эътироф этиш билан бирга кўплаб таклиф-мулоҳазалар ҳам билдирилган.

*“Ҳуррият” — дадил газета. Бизнинг томонларда газетангизни шу мақомда қадрлайдилар. Боиси, бундан бир неча йил муқаддам унда бизнинг туманга даҳлдор бир мақола босилганида, ҳокимлик томонидан “Ҳуррият”ни топ”, дея иста-иста бўлиб кетган эди.*

*Шундан буён биз ҳам қизиқарли газета — “Ҳуррият”га обуна бўлиб келамиз.*

*Айниқса, шаҳрихонликларга “Суриштирув”, “Муносабат” рукни остида босилаётган мақолалар манзур бўлади. Биз қалам аҳлига эса туман газеталари хусусидаги мулоҳазали мақолалар жуда маъқул.*

*Газетанинг янада ўқишли бўлиши, ихлосмандларининг кўпайиши учун таклифларимиз ҳам йўқ эмас. Жумладан, газета янада дадиллашса, республикада чоп этилаётган кўнгилочар, бизнес газеталарининг руслардаги “Аиф”, “Эхо Вселенная”, “За рубежом”, “Новая время”, «Коммерсантъ» каби ўзига хос йўналиши касб этиши ёхуд ихтисослашуви, таълим тизимида аёллар салмоғи ортиб кетгани, бозорлардаги нарх-наволар назоратсизлиги, фермерлар йўлидаги айрим тўсиқлар, туман газеталари аҳволи ва уларда кадрлар захиралари, матбуот нашрларини тарқатишда алоқа боғламаларининг фаолияти тўғрисида мақолалар ёритилса.*

*Яна бир истак, “Назм” рукни остида шеърлар ёритилганда, маълум ва машҳур шоирларимиздан кўра туманларда яшаб ижод қилувчи умидли қаламкашларга кўпроқ ўрин ажратсаларингиз».*

**Қорақалпоғистон Республикаси “Шымбай ҳаўазы” газетаси**нинг таклифи таҳририятимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

*“Бир илтимосим бор, — деб ёзади* **ушбу нашр бош муҳаррири Бекбой САПАРОВ.** *— 2007 йили бизнинг Чимбой тумани “Шымбай ҳаўазы” (“Чимбой овози”) ижтимоий-сиёсий газетасига 75 йил тўлади. Бу юбилейни декабрь ойида тантанали нишонлаш назарда тутилган. Газетамиз фаолияти, ҳамкасбларимиз хусусида «Ҳуррият» саҳифасидан жой ажратсангиз, мамнун бўлардик».*

**Самарқанд вилояти “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев қуйидагича фикр билдиради:**

*«Аввало, минтақа таҳририятлари билан ҳамкорлик қилишга интилганларингиз учун раҳмат. Айрим ҳамкасбларимиз вилоятлар ижодий муҳити (ваҳоланки, бу марказ муҳитининг асосий манбасидир) билан ҳисоблашгиси келмаётган бир пайтда бу ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.*

*“Ҳуррият” биз учун қадрли нашр. Аввало, бизнинг газета ҳам бир пайтлар шундай номланган. Иккинчидан, биз “Ҳуррият”ни нафақат мустақил нашр, балки журналист дардини тингловчи орган сифатида биламиз.*

*Айрим таклифларимни билдираман:*

*1. Одамларни мушоҳадага, муносабатга ўргатувчи мақолаларни кўпайтириш керак.*

*2. Бизда “Бир мавзуда икки фикр” деган рукн бор. Агар у республика минбарига олиб чиқилса, яхши самара берарди. “Менинг гапим мутлақ тўғри” деган фикрда бўлувчи айрим муштарийлар бу иллат зарарини тушуна бошлайди.*

*3. Мен “Ҳуррият”ни журналистлар муаммоларини кўтариб чиқадиган нашр бўлишини истайман. Ҳар бир жанрда эталон материаллар берилса, бошқа ҳамкасблар ибрат олишарди.*

*4. Эркин, оқилона фикрга кенг ўрин берилса. Масалан, “Мен англаган ҳақиқат”, “Муштарий фикри”, “Ҳадисга ўхшайди” рукнида ихчам ибора, хулосалар (муаллифи аниқ кўрсатилган ҳолда) бериб борилса.*

*5. Вилоят ва туман, шаҳар газеталари учун колонка ажратилса. Масалан, “Зарафшон”да ёзишади”, “Бухоро ҳақиқати”, дейдики...” ва ҳоказо. Ёки ахборот остига газета имзоси қўйилса. Ахборотларни электрон почтадан оператив олиш мумкин».*

... Хуллас, мамлакатимиздаги кўплаб матбуот нашрларидан, ҳамкасбларимиздан юқоридагилар сингари амалий таклифлар билдирилган мактубларнинг келаётганидан ғоятда хурсандмиз. Демак, бизни ўқишмоқда, биз ҳам ўз навбатида муштарийларимиз, ҳамкасбларимиз билан доимий ижодий ҳамкорликда бўлишдан мамнун бўламиз. Бу, ўйлаймизки, барчамиз учун фойдадан холи бўлмайди.

**ТАҲРИРИЯТ.**

## Самарқанд Темир йўл касб-ҳунар коллежи жамоаси

**Ватандошларимизни Қурбон ҳайити байрами билан қизғин табриклайди.**



*Юртдошларимизга бахт-саодат, узоқ умр тилаймиз. Барчанинг орзу-умидлари ушалишига тилакдошмиз.*

### Далолат

*2007 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда уяли алоқа телефонларидан фойдаланувчилар сони 5 миллион 372 минг кишига етди. Ўтган йилнинг бошларида мазкур кўрсаткич 2 миллион 720 мингни ташкил этганди. Шу тариқа юртимизда уяли алоқа мижозлари миқдори ўтган 11 ой ичида икки бараварга ошди.*

Одамийлик

# Яхшиямки яхшилар бор

*«Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади»*
*Ҳадис.*

Иймон қалбдадир. Уни сўз билан таърифламоқ, зарур бўлса, қандай инжа сўзларни ишлатмоқ жоиз экан? Унинг қиёсини ўхшатиб бўлармикан? Иймони бутун одам ҳамиша ҳаётда яхшиликни ўйлаб яшайди. Эзгулик, меҳр-оқибат, мурувват, эҳтиром ва эҳсон, саховат сўзлари иймоннинг бир бўлагидек...

Муқаддас Қуръонда «Инсон ожиз қилиб яратилгандир» дейилади. Амр этилганидек инсон аввал нозиккина, заиф кўринади. Бироқ, шу заиф учқунни парвариш этсанг, гуркираб оламни ёқади. Ушбу хусусда Қуръонда «Албатта сиз улуғ Хулқ соҳибисиз» дейилади.

Худди мана шу ерда мен ўзгаларнинг ҳаётини асраш баробарида жонидан ҳам кечишга тайёр турган халоскор йигит ҳақида ўйладим. Улуғ хулққа эга бўлган одамларгина эзгуликка бел боғлашади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган йигит замондошимиз, боғотлик Ботир Жабборов. У инсонга ато этилган энг олий фазилатлардан ўз ўрнида фойдалана олади.

У Яратганнинг инояти ила, беш кишининг ҳаётини сақлаб қолди. Хўш, бу ҳолат қандай содир бўлди?

— Сентябрнинг охирги кунлари эди, — дейди халоскор йигит, — кечқурун шахсий машинамизда фарзандларим билан қайин опамларникидан қайтаётган эдик. Катта тезликда шундоққина ёнимиздан шувиллаб бир машина ўтиб кетди. Ундаги бир-биридан кичкина болаларни кўриб юрагим нимагадир бир ҳаприқирди. Машина кўп ўтмай биз ёқалаб келаётган «Найман» каналига қулаб кетди. Жонҳолатда мен ҳам тезликни оширдим. Етиб бориб машина сувга тушиб кетган жойдан апил-тапил тушдим. Қўлларим билан пайпаслаб машинанинг ўнг томондаги эшигини топдим. Қўлимга илинган нарсани тортавердим. Дастлаб 5 ёшли болакайни ташқарига олиб чиқдим. Сўнгра 7,9,10 яшар болаларни қутқаришга муваффақ бўлдим. 25 ёшлардаги ҳайдовчи йигитнинг рангида ранг қолмаган экан. Сув ичидан охирги болани 7 дақиқадан сўнг олиб чиқдим-да, тепага кўтарилдим. Шу пайт қаттиқ қўрқувданми қалтираб эс-ҳушимни йўқотган беш яшар болани ҳамда яна иккита болани машинамга чиқардим-да уйга қараб шошилдим. Болакайни кўкрагидан босиб ичида тўлган сувни чиқардим. Хуллас, инсон ҳаёти учун зарур бўладиган муолажа бўлса қилишга уриндим. Шалаббо бўлган кийимларимни алмашлаб касалхонага шошилдим.

Туман «Тез тиббий ёрдам» бўлимига келдиму сувдан охирги марта олиб чиққан бола эсимга тушиб кетди. Беихтиёр «оҳ» деб юбордим. Югуриб чиққан ҳамширага «бола қолиб кетди, канал бўйида...» дея олдим қалтираб. У кулимсираб «Аллақачон олиб келдик, бўлимга ҳам ётқиздик», деди. Шундагина бироз ўзимга келдим ва елкамдан тоғдек юк тушгандек бўлди...

Хўш, тўртинчи боланинг тақдири қандай кечган эди?

— Ўша куни «Тез тиббий ёрдам» бўлимида навбатчи эдим, — дейди ҳамшира Инобар Давлатова, — соат 19 дан ўн дақиқа ўтган пайт каналга ағдарилган машина ҳақидаги чақириқ етиб келди. Биз шифокор Умид Ражабов билан дарҳол бўлимга олиб келдик. Йўл-йўлакай биринчи ёрдамни, зарур муолажани машинада бажаравердик. Сунъий нафас бердик. Юрагини массаж қилдик.

Шундай қилиб, Ботир Жабборов беш кишининг ҳаётини сақлаб қолди. Ўзининг мардлиги, жасурлиги, жасорати туфайли тўрт нафар ўспирин ҳамда 25 ёшдаги ҳайдовчига беғараз ёрдам кўрсатди.

Тошкент фармацевтика институтининг доришунослик факультетини тугатган Ботир оз бўлса ҳам тиббиётдан хабардор эди. Шикастланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини биларди. Шунинг учун ҳам то касалхонагача бўлган вақт оралиғида болаларга зарур муолажани кўрсатди.

— Отам Рустам Жабборов умр бўйи ўқитувчилик қилиб, шу касбнинг ҳалол нони билан бизни улғайтирди, ўқитди, — дейди халаскор. Оилада ўн фарзанд — тўққиз ўғил ва бир қиз эдик. Онам уй бекаси эдилар. У кишининг зиммасида ўн болани оқ ювиб, оқ тараш, вақтида овқатини бериш вазифаси турарди. Кир-чир, қозон-товоқ, нон ёпишдан бўшамаган онам бизга «Муаллимнинг болаларисиз, кўплар сиздан ўрнак олади. Уст-бошингизни покиза тутинглар» дердилар. Ўзлари ҳатто кечасиям тинмасдилар. Отам ўқитувчи бўлганликлари учунми одамийлик ҳақида кўп гапирардилар. Доимо ўзгаларга кўмаклашиш, муҳтожга ёрдам бериш, катталарни сийлаш, кичикларни иззат қилиш борасида кўп гапирардилар. Бу сўзларни мисоллар тариқасида айтардилар. Биз отамнинг сўзларини жон қулоғимиз билан эшитардик. Шунданми ҳамиша кимгадир ёрдам беришга шай ҳолда улғайганмиз.

Ботир Жабборов ҳозирда Боғот тумани марказидаги дорихонада фаолият кўрсатади.

— Умр йўлдошим Зулайҳо муаллима, — жилмаяди ҳаваскор. — Уч нафар фарзандим бор. Худди отам болалигимда айтгани сингари бугун мен ҳам ўғилларимга одамийлик ҳақида гапираман. Отамнинг сўзларини такрор-такрор айтишдан эринмайман.

Қилган яхшилиги эвазига ҳеч кимдан, ҳеч нарса таъма қилмайдиган, инсоний фазилатли юртдошимдан фахрландим.

**Феруза ТАНГРИБЕРДИЕВА,**
**«Ҳуррият» мухбири.**

Назорат

# Ўзингга раво кўрмаганни...

## ёки тадбиркорлик ниқоби билан истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган айрим кимсалар ҳақида

**Аллоҳ ўзининг муқаддас китоби Қуръони каримда одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратганлигини, ҳамда инсонни Парвардигорнинг олий неъмати мўъжизаси эканлигини маълум қилади. Шунинг учун одамларга эътиборли, ҳимматли бўлиш, уларга ҳурмат ва иззат кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказадиган барча салбий таъсирлардан огоҳ қилиш, асраш ҳар бир иймонли кишининг инсонийлик бурчидир.**

Ўз миллатдоши, биродарига бирор бир маҳсулотни юқори нархларда сотиш яъни чайқовчилик қилиш орномусга ёт иш деб ҳисобланган ҳамда бундай иллатлардан халқимиз узоқ бўлган. Халқ ризқи бўлган нозу неъматларни ўғирлик йўллар билан олиб чиқиб, яна унинг ўзига сотиш эса қаттиқ қораланган.

Аммо минг афсуски, орамизда ўзининг шахсий манфаатларини халқ ва жамият манфаатларидан устун қўядиган шахслар учраб туради. Инсон саломатлиги учун ўта зарарли бўлган айрим истеъмол маҳсулотларини, жумладан, қўлбола ёғ ва алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш уларнинг даромад манбаига айланган. Жорий йилнинг 11 ойида Сурхондарё вилоят давлат солиқ идоралари томонидан 45 та, шу жумладан, алкогол ичимликлари ишлаб чиқариладиган 6 та цех, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган 17 та цех, бошқа озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган 22 та яширин цехлар аниқланди. Қоидабузарлардан қиймати 2,4 млн. сўм бўлган товар, моддий бойликлар, шу жумладан, 48 литр спирт, 450 литр алкогол ичимликлари, 2,0 тонна чигит ва 0,7 тонна кунжут далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Қоидабузарларнинг 18 нафарига нисбатан тўпланган материаллар суд идораларига, 9 нафарига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилиб, давлат солиқ идоралари томонидан 7 нафар қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилиб, уларга 1,0 млн. сўм миқдорида маъмурий жарималар белгиланди.

Қоидабузарларнинг иймони заифлигини шундан ҳам билса бўладики, ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари истеъмол қилишмайди, аксинча сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг жабрини бошқалар тортишини билганлари ҳолда, шу йўл билан мўмай даромад олиш пайида бўлишмоқда. Зеро, Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) муборак ҳадисларида «Ўзингга раво кўрганингни, бошқаларга ҳам раво кўргин ва ўзингга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма», деб марҳамат қилганлар. Бундан ташқари тиббиёт олимлари “сохта” маҳсулотларни инсоннинг ички органлари учун нақадар зарарли эканлигини қайта-қайта маълум қилади. Шунга қарамай яширин (хуфиёна) иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар, истеъмолчиларга ўз навбатида арзон ва сифатсиз маҳсулотларни тавсия қилмоқдалар. Кўрилаётган чораларнинг самараси қоидабузарликка бутунлай барҳам бериш имконини бермаётир. Ноқонуний тарзда ўсимлик ёғи ва ун сотувчи фуқаролар фаолияти давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан доимий равишда назорат қилиб борилмоқда, ҳар бир ҳолатга фавқулодда ҳолат деб баҳо берилмоқда. Бугунги кунда тақчил бўлиб турган ушбу маҳсулотларни юқори нархларда сотиб, текин даромад йўлини тутганларга эса қонуний чоралар белгиланмоқда. Жумладан, Шеробод туман деҳқон бозорида фуқаро Ғайрат Эшмуродовдан қиймати 494,0 минг сўм бўлган 338 кг. пахта ёғи ноқонуний тарзда сотилаётганлиги учун далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Узун тумани деҳқон бозорида фуқаро Муҳиддин Қосимовдан қиймати 700,0 минг сўм бўлган 224 кг., Денов тумани деҳқон бозори ҳудудида фуқаролар Матлуба Худойқуловадан 220 кг., Отабек Маматқуловдан 100 кг., Фарҳод Бобораҳматовдан 110 кг., Шавкат Қурбоновдан 172,8 кг., Алишер Бобоназаровдан 84 кг., Қумқўрғон тумани деҳқон бозорида фуқаролар Хурматой Астонокуловадан 90,2 кг., Гулсара Абдуллаевадан 86,4 кг., Ойқиз Жумаевадан 67,2 кг. ўсимлик ёғи ноқонуний тарзда сотилаётганлиги ва чайқовчилик объекти бўлганлиги учун далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Вақтинчалик ун таъминотидаги узилишлардан “самарали” фойдаланаётган айрим “тадбиркор”лар халқ насибаси бўлган унни, ўзларига қиммат нархларда қайтариб сотишни одатий ҳолга айлантиришган. Жумладан, Шўрчи туман “Мустақиллик” кўчасида яшовчи фуқаро Элмуродова Олтиной тегишли ҳужжатларсиз қиймати 6300,0 минг сўмлик 17500 кг. унни сотиш ҳаракатида бўлган. Худди шунингдек, тегишли ҳужжатларсиз ва махсус рухсатномаларсиз ун сотилаётганлиги аниқланиб Шўрчи туман У Дониёров ф/у “Серғайрат” маҳалласида яшовчи фуқаро Улуғова Наргизадан қиймати 993,6 минг сўмлик 2250 кг. ун олиб қўйилди. Қоидабузарлардан жами бўлиб, қиймати 9,7 млн. сўм бўлган 23,1 тонна ун маҳсулоти олиб қўйилган.

Тезкор маълумотларга кўра Шўрчи тумани “Ободон” фермерлар уюшмаси ҳузуридаги “Ободон” маҳалласида яшовчи фуқаро Холмуродов Бойбўрининг уйи кўздан кечирилганда пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарадиган яширин цех фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди. Зудликда ўтказилган текшириш ўз натижасини берди. Б. Холмуродовнинг уйидан 1150 кг. техник чигит, 35 кг. техник чигитдан ишлаб чиқарилган пахта ёғига ўхшаш қорамтир маҳсулот, 300 кг. кунжара, 1 дона



мойжувоз ускунаси, бир дона генератор ва 35 метр электр кабели далилий ашё сифатида олинди.

Мазкур туманнинг “Толли” фермерлар уюшмаси “Гулистон” маҳалласида яшовчи фуқаро Валиев Абдураҳмоннинг уйида яширин цех фаолият кўрсатиб келаётганлиги аниқланиб унга тегишли бўлган 105 кг. пахта хомашёси, 30 кг. пахта толаси, 75 кг. пахта чигити, 1 дона мослама (халаж), 1 дона генератор ва 8 метр электр кабели далилий ашё сифатида олинди.

Қадимдан халқимиз давлат томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш, хазина (байтулмол)га тегишли солиқлар ва тўловларни тўлашда дунё халқларига ибрат бўлиб келганлар. Нафақат инсонлар саломатлигига зид бўлган истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балки одамларга сўз ва қўл орқали озор етказишни жуда оғир гуноҳлардан деб ҳисоблашган. Ўтмиши буюк бўлган халқимизнинг келажаги ҳам буюк бўлишлигини Юртбошимиз доимо таъкидлайдилар. Шундай экан, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ўзини эмас аввало халқ ва жамият манфаатларини ўйлаши, давлат томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилиб, умргузаронлик қилиши лозим. Қолаверса, Яратгандан қўрққан кишининг иймони бутун, мамлакати тинч, халқининг турмуши фаровон бўлишлигига ишончимиз комил. Зеро, Ватанни севмоқ иймондандир.

**Комил ИСМОИЛОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Республика ахборот-маслаҳат маркази Сурхондарё вилояти бўлинмаси бошлиғи.**

Самар НУРИЙ

# ЭЗГУЛИКНИНГ СИНОВЛИ ЙЎЛЛАРИ

***Истеъдодли адиб Самар Нурий (Аллоҳ раҳмат қилсин) қаламига мансуб “Қора тонг” романи, “Майсаларни аёз урмайди”, “Нарвон”, “Раис”, “Олис юлдузлар”, “Сени севаман, ҳаёт”, “Беда ҳиди” каби қисса ва ҳикоялари адабиёт мухлисларига яхши маълум. Айниқса, ҳали адабий davraларда муносиб баҳосини олишга улгурмаган “Қора тонг” романи Михаил Шолоховга хос миллийлик ва маҳорат намунаси экани билан эътиборли. Китобхонлар бу асарларни севиб мутолаа қилишган. Адибнинг ҳаёт йўли ҳақида Озод Шарафиддинов ва бошқа ижодкорлар ёзган мақолалар ҳам кўпчиликнинг ёдида.***

***Яқинда адиб қўлёзмалари ичидан тасодифан унинг бундан ўн олти йил аввал, шўролар тузуми даврида ёзган — машҳур шоиримиз Абдулла Ориповнинг машаққатли ижод йўлларига бағишланган каттагина мақоласи топилди. Унда энди юз очаётган нодир истеъдод ҳаётидаги синовли лаҳзалар қаламга олинган. Шоир Абдулла Орипов у кунларнинг машаққатларини енгиб, очиқ юз ва чўнг ғайрат билан юртимиз истиқлолини кутиб олди. Ўзи орзу қилган Мустақиллик шоирни муносиб эъзозлади, хизматлари юксак даражада эътироф этилди. Муҳтарам Президентимиз Фармонлари билан кўплаб ижодкорлар қатори Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Албатта, бундай муносабат озод диёримизда ижод аҳлига муносабат тубдан ўзгариб, зиёлилар муносиб қадрланаётганининг тасдиғидир. Қуйида эълон қилинаётган эсдаликлар тоталитар тузум моҳиятини тушунишга ёрдам берадиган тарихий лавҳалар сифатида қабул қилинади, албатта.***



Севимли шоирнинг назмини доно, закий, миллион кўз ва қалбли ўзбек халқи ҳаммадан яхши билади ва адолатли баҳолаган. Юртимизнинг кекса табиатшунос олими, академик Жўра Саидовнинг халқона дил розини эшитинг: “Шоирни, Абдулла Ориповни ўрганмоқ учун, табиат менга ёшлигимни қайтариб берса, албатта, адабиётшунос бўлардим. Фақат Абдулла Ориповни ўрганиш учунгина шу соҳани дилимга, шууримга жо қилиб олган бўлардим. Начора, энди кеч...”

Элимизнинг танти шоирларидан бири, сирдарёлик дўстим Тўра Сулаймоннинг иқрори:

— Агар сидқидилдан ҳаракат қилсам, Ўзбекистоннинг ман-ман деган ҳамма шоирларига ўхшатиб, ўшалар даражасида шеърлар ёза оламан. Аммо Абдуллажондай ёзолмайман!

Бу баҳо, бу иқрорларда адабиётшунослар минглаб саҳифаларда айтиши мумкин бўлган маъно ва фикрлар мужассам. Қолаверса, шоир асарлари таҳлилини ана шу қилни қирқ ёрадиган мутахассисларга ҳавола этиб, биз ўзбекнинг бу беназир фарзанди ҳам сизу биздек хом сут эмган “одам боласи” эканини, у ҳам эътибор, меҳрга муҳтожлигини енгил чизгиларда кўрсатмоқчиман. Зеро, шоирнинг донишмандлиги, инсон ва ижодкор сифатидаги жозибаси ҳам элининг дилига таржимонлигида, халқи йиғласа — йиғлаб, кулса —кулишидадир.

## Оқ йўл

Олтмишинчи йиллар. Қашқадарё вилояти Сурхондарёга “қўшилиб”, гавжум Қарши ҳувиллаб қолган: казо-казо идоралар қатори “Қашқадарё ҳақиқати” қаламкашлари ҳам Термизга бориб, “Ленин байроғи” (ҳозирги «Сурхон тонги» газетаси — **таҳр.**) да ишлаяпти. Вилоят фирқа қўмитаси биносига шаҳар фирқа қўмитаси кўчган. “Қашқадарё ҳақиқати” ўрнида эса шаҳар фирқа қўмитаси ва ижроқўмининг янги рўзномаси “Коммунизм байроғи” ходимлари яйраб ўтиришибди. (Қаранг, ўша йиллардаёқ коммунизм байроғини кўтариб чиққанмиз-а!) Мен жумҳурият радиосининг вилоятдаги мухбири эдим. Қашқадарё вилоят сифатида тугатилгач, мени Қорақалпоғистон ёки Хоразмга юборишмоқчи эди, мен иккиланиб, аросатда юрган кунларнинг бирида шаҳар фирқа қўмитаси котиби Ҳарам опа келиб қолди:

— Болам, бегона жойларда овора бўлиб юрасанми, шаҳар газетида ишлай қол.

Шу орада Термизда чиқадиган вилоят газетига муҳаррир бўлиб кетган Йўлдош Умаров қўнғироқ қилди:

— Рўзноманинг Қашқадарё ҳудудидаги мухбири бўласан.

Бу таклиф менга маъқул бўлди. Одат бўйича ҳар куни эрталаб қадрдон бинога бораман. Янги рўзноманинг янги муҳаррири Абдиманнон Тўланов бир куни шундай деб қолди:

— Бизни ҳам, рўзномамизни ҳам ҳали кўпчилик билмайди. Шу сабаб қизиқ-қизиқ нарсалар чоп этиб, муштарийларни кўпайтириш зарур. “Сени севаман ҳаёт” қиссангиздан боблар беринг. Сўнг... — муҳаррир менинг олдимга машинкаланган икки варақ шеърни суриб қўйди. — Некузлик шоир Абдуллажонники. Дорилфунундан келиб, қишлоғига кетибди. Тоби йўқроқ... Дуруст шеърлар-а? “Оқ йўл” ёзиб беринг.

Мен шеърларни қайта-қайта ўқидим: жуда тиниқ, исёнкор, ҳис-ҳаяжонларга ғарқ сатрлар. Ўша пайтлар бизлар ўқиб юрган мукофотдор, оқсоқол шоирларнинг шеърларига сира ўхшамасди. Амин Умарий, “халқ душмани” бўлиб кетган Усмон Носирларнинг нафаси уфургандай бўлди.

Ёшлик — ғурлик-да! Бу шеърларни ким, қачон, нима мақсадда олиб келганини сўрабсуриштирмай, камина — ғўр бир мухбир, ҳар бир сатрини эл ёдлаб олиб, бошига кўтарадиган, Шукур Холмирзаев таъбири билан айтганда, аслида биринчи китобчаси билан ХАЛҚ ШОИРИ даражасида бўлган Абдуллажонга “Оқ йўл” тилабман-а!! Бу “фатво”га Абдуллажоннинг кўзи тушганми-йўқми (илоҳим, кўрмаган бўлсин) билмадим, лекин ўзим ҳали-ҳамон уялиб юраман.

Бу “Оқ йўл”нинг бировга нафи тегмагани аниқ. Лекин менга фойдаси бўлди: шундан кейин Абдулланинг ҳар бир сатрини қидириб, синчиклаб ўқийдиган бўлдим. Ўқиган сайин мендан шоир чиқмаслигига имоним комил бўлиб, бўғин санаш, қофия тизишдай шоирлик “касали”дан узил-кесил халос бўлдим. Мени боши берк кўчадан вақтида қайтариб чиқаргани учун Абдуллажонга раҳмат. Абдулла ҳар кимнинг ҳолини тушунадиган кечиримли инсон:

***...Кейин билса, мухбирнинг ҳам бор***
***экан ўз ноласи...***

## Қаноат машаққатлари

Мен шундан сўнг “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси — **таҳр.**) рўзномасига хизматга борганман. Номим “улуғ” — “Отахон газетада котиб!” Икки хонали уй беришди. Лекин супрамиз қуруқроқ: саксон беш сўм маош олиб, шу билан ўзим, ёстиқдошим, уч фарзандни боқиш, кийинтириш, рўзғор тебратиш, уй пулини тўлаш, келди-кетдига етказиш керак. Бошқа даромад йўқ — ҳаммасига шу саксон беш сўм балогардон.

Шу орада Абдуллажон ҳам “Ёш гвардия” нашриётига хизматга кирди. Унга бошпана беришмади, маоши ҳам меникидан камроқ.

Ёзнинг иссиқ кунлари. Тушга яқин. Навоий номидаги томошахона қапталидаги идорамизнинг иккинчи қаватига — мен ўтирган хонага Абдуллажон кириб келди. Ориқ, дашт қушидай енгил. Агар бирон зарур юмуши бўлмаса, Абдуллажон панада юришини билардим. Эски диванга ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, минг истиҳола билан ҳамкасбларга “чой ичириш”га қўли қисқалик қилиб қолганини айтди.

Берай десам — киссамда бир сўм бор. Ҳали аҳволимни айтдим. “Йўқ”, десам, шундай “улуғ даргоҳда” ишлайдиган кишининг киссаси қуруқлигига ҳеч ким, жумладан, Абдуллажон ҳам ишонмайди. Киссага ҳар кун бир сўмни солиб, Экскаватор заводи ёнидаги уйдан Навоий майдонига ишга яёв келаман. Ҳеч кимга гапирмай ишимни қилиб, яъни индамай келиб, индамай кетаман. Шу сабаб ҳамма аёллар ортимдан: “Ассалом ва хайрдан бошқа гапни билмайдиган индамас бойвачча” деб юришганини ҳам эшитганман.

— Бироз ўтириб туринг-чи, — дея энсиз қизил гилам тўшалган йўлакка чиқдим. Ўйланиб туриб, олдин беш-олти ой ишлаб синашта бўлган қишлоқ хўжалик бўлимига бордим. Бўлим бошлиғи Ҳабиб Нўъмонда ҳам бир сўм бор экан. Киссадан чиқариб, “Керак бўлса олинг”, деди.

Адабий ходим Ҳамид ака:

— Йўқ! — деди чўрт кесиб.

Пешинда чучвара ейиш учун ҳар кун бизлардан 33 тийин сўраб оладиган Бобо ака Маҳмудовга мурожаат ҳам этмадим.

Йўлакка қуруқ чиқиб, ўйланиб турдим. Ойнакор дўконда устара қайраётган сартарош Миша тоға очиқ эшикдан мени кузатиб турган экан:

— Ҳа-а, Самаржон, нима ўйлов?

Мен дўконга кириб, “ўйлов”ни айтдим.

— Ҳали клиентлар келгани йўқ. Кейин... — Миша тоғанинг иримчилигини билардим. Эрталаб бировга қарз бермайди.

Рўпарадаги хонада ишлайдиган Худойберди Тўхтабоев билан шатранж ўйнаб, бордикелди қилиб юрардик. Унинг ҳоли ҳам менга аён: уйини иситиш учун кўмир ололмай, қишда болалари билан телпак кийиб ётишарди. Бошқа серпулроқ “катталар” олдига киришга журъатим етмади. Йўлакда мўъжиза юз берадигандай икки-уч минут турдим: “Абдуллажоннинг кўзларига қандай қарайман?”

Мўъжиза юз бермади. Бошимни эгиб, кабинетга кирдим. Абдуллажон дивандан енгил туриб, ранг-рўйимга разм солди-да, ҳали мен лаб жуфтлашга улгурмасданоқ очиқ чеҳра билан хайрлашиб, тез чиқиб кетди.

Қарийб ўттиз йилдан буён шу хижолат елкамни харсанг тошдай эзиб келади. Шоирлик — қаноат, ростгўйлик деганлари ростдир. Лекин камбағаллик — айб эмас, деганлари ёлғон экан.

Бугун Абдуллажоннинг ярим асрлик тўйини кўриш насиб этган кунда баҳона билан шуни айтиб, елкамни анча енгиллатиб олдим. Тангри Абдуллажонга бир асрлик умр берсин, шунда эҳтимол яна мен каби қанчадан-қанча мухлислари хижолат юкларидан халос бўлишларига аминман.

## Бошпана излаб...

*“Уй масаласида у ёқдан бу ёққа кўчиб юришларим натижасида кўп шеърларим қўлёзмаси йўқолган...”*

Дорилфунун толиблигида Абдуллажон бошпана ахтариб кўп сарсон бўлганини эшитганман. У давлат идорасида ишлаётган, шоир сифатида Ўрта Осиёда ном чиқариб, овозаси Москвага етиб борган пайтларида ҳам бошпанасиз кўп қийналган.

Бир кун Абдуллажонни истаб Чилонзорга бордим. Тўрт қаватли уйнинг иккинчи қаватига кўтарилдим. Баланд эшикдан “квартира” йўлагига кирдим. Бу саховатли бир олимнинг хонадони бўлиб, икки хонада олимнинг ўзи болалари билан турар, бир хоначани шоирга берган экан. Бўйи ва эни деярли баробар чорси хона. Тахта полга шолча тўшалган. Ўртада фақирона дастурхон ёзиғлик. Шикастанафс дастурхонда нон, икки тақсимчада сумалакка ҳам, холвайтарга ҳам ўхшаш таом турибди. Кўрпачаларда хона соҳиблари ўтирарди. Абдуллажоннинг тиззасида “Шарқ юлдузи”. Унда менинг “Шуъла” номли ҳикоям босилган эди.

— Ўқидик, — деди Абдуллажон, — келинингиз билан.

Мен мавзуни ўша пайтлар Абдуллажоннинг бутун халқнинг тилида юрган, ҳаммага ёд бўлиб кетган шеърларига бурдим. Шу пайт йўлакдан жунлари ялтираган мушук думини халқа қилиб, бу хонадоннинг хўжайинидай хонага кирди. Умуртқасини букиб, нозланганча келиннинг тиззасига суйкалди:

— Мияв-в.

— Хаҳ, ҳақини сўраб келди-я, — деди Абдуллажон кулиб. — Домла хотини билан саёҳатга кетаётганда “мушукни боқишга” деб йигирма беш сўм берганди... Шу “ҳақ”ини сўраяпти бу.

Шоир оиласи бировнинг хонадонида жудажуда қийналаётганини сездим. “Наҳотки шундай ижодкорга Тошкентдай шаҳри азимда алоҳида бир бошпана топилмаса?! Бу “нон шаҳри” юз минглаб етим-есирларни бағрига олган, бепоён рус тупроғидан келганлар бирикки ойда бу жойдан иш ҳам, уй ҳам оладилар! Шу юртнинг доврукли фарзанди эса унга сиғмайди!?.”

Бу таажжубни шоирга бошқа дўстлари, мухлислари ҳам айтган бўлса керак. Бир кун қалдирғоч қанотидай ихчам китобчасини олиб, жумҳуриятнинг энг мўътабар икки маҳкамасидан бирига — ҳамюртимиз ўтирган жойга кирди. Қабулхонада қамашиликларга ўхшаш кенг юзли, кўзлари қисикроқ киши катта қизил чойнакка чой дамлаб келди. Арбоб шоир билан чой ичаётганда вазирлик ва адиблар уюшмасидаги казо-казолар келиб қолишди:

— Ҳа, шоир? Бизларга учрашмай, бу ёққа чиқибсиз?!

Шундай улуғ маҳкамадан ҳам шоир мужмал ваъда билан хомуш чиқди. Номи улуғ хиёбондаги соя-салқин ойнаванд емакхонага бордик. Деразаси музқаймоқ дўкони ва фаввораға қараган хилват жойга ўтирдик. Тамадди қилдик. Кўнгли бироз ёзилгач, шоир киссасидан муқовали, кичкина, юпқа китобча чиқарди. Ўшанда “Родник” рус тилида эндигина нашр этилганди. Катта маҳкамадаги жуда катта арбобга бу мўъжазгина мажмуани бериш шоирга жуда ноқулай туюлган бўлса керак. Ё... дили тортмаганми. Бошини бироз эгиб, дастхат ёзди:

***“Ҳамюртим, дилбар адиб...”***

Сўнг бошини кўтариб, надомат билан:

— Арбобларга ҳам қийин экан, — дея китобни менга берди. — Ночор, марказга мўъте экан улар ҳам.

Шоирнинг кўзларидаги надомат менинг танимга кўчди: шундай мўътабар маҳкамадан ноумид чиққан шоир энди қаерга бош уриб бориши керак? Қаерга?! Киссасида “ҳақиқати” бўлмаган киши ҳақиқатни қаердан қидирсин? Шунда мен бу жамиятда қаноат, ортиқча тортинчоқлик, инсофлилик чин инсон учун оғир қисмат эканига яна бир иқрор бўлдим.

## Сатин чопон

Абдуллажон тарихимизнигина эмас, халқимиз дилини, урф-одатларимизни ҳам кўп ижодкор ва олимлардан кўра пухта биларкан. Яқинда “Ҳадис”ларни ўқиётганда буни сезиб қолдим:

*“Закотни адо этувчи, меҳмондўст ва мусибатли кишига ҳамдард бўлган одам бахиллик ва қизғончиликдан фориғдир”.*

*“Бир-бирингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилингиздаги ғашлик кетади”.*

*“Кишининг гўзаллиги унинг тилидан билинур”.*

Бу ҳикматларни “Ҳадис” чиқмасдан олдин билиш — донолик. Фақирона, ночор турмушда уларга амал қилиш эса буюкликдир.

Шифохонада йиллаб ётиб чиққач, бир кун Абдуллажоннинг “Ёзувчилар уйи”даги хонадонига бордим. Одатдагидек ҳамюртлари, қариндош-уруғлари, дорилфунундаги мухлислари билан гавжум экан. Мен улар билан баҳслашиб ўтиришга ярамаслигимни, “чидолмаслигим”ни сезиб, эртароқ қайтмоқчи бўлдим. Абдуллажон ён хонадан каминага пахта сатин чопон ва ўзимизнинг оддий гарди белбоғ — қийиқча олиб чиқиб, кийгизмоқчи бўлди.

— Йўқ, мени уялтирманг, — дедим.

— Э-э, қаламкаш бўла туриб, халқимизнинг урф-одатларини билмайсизми ҳали. Сиз нариги дунёдан қайтиб келдингиз-ку!

Хиёбондаги емакхонада берган “Родник” китобчасини эслатдим... “Гулистон” ойномасида масъул котиб бўлиб ишлаётган кезларим ҳамюртлар Карл Маркс кўчасидаги шу эски бинода учрашиб турардик. Ўшанда шоир йигитлик давридаги жуда чиройли, тиниқ бир фото сувратига кўнгилни тоғдек кўтарадиган дастхат ёзиб берган:

***“Ҳамюртим... укангиз Абдулладан. 9-XII-70 й.”***

Яна бир куни эса уйида В.Шкловскийнинг “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумида чиққан “Лев Толстой” номли китобини тақдим этди.

Мен учун амирларнинг зарбоф, кимхоб тўнидан қимматроқ бу чопон, олтин-зарлардан қадрлироқ бу китобчаю суратларни онаизоримдан қолган феруз кўзли узук, паспортидаги сурвати, уч-тўрт эски ёзувдаги китоблар ёнига — “муқаддас жавонга” ардоқлаб қўйганман.

Сатин тўн, китобча, сурат-ку тушунарли, ўзининг бошқа китоблари турганда нега Шкловскийнинг китобини тақдим этди экан? Бунинг маъносини ҳали-ҳамон англай олмайман.

## Ночор арслон

Чинакам машраблар эл-юрт учун курашда исёнкор, арслондай жасур, ҳамлакор бўлиб, жону жаҳонидан кечиб юборишади. Ўз манфаатлари, рўзғорига келганда эса ночору нотавон, ҳимоясиз, ҳатто оддий одамларнинг ғашини келтирадиган даражада лалайган бўладилар.

Қарши аэропортида Тошкентга учмоқчи бўлиб турган эдик. Тайёрага чиқишга рухсат этилиб, темир эшиклар очилди. Тўрва, жомадон кўтарган, болаларини эргаштирган йўловчиларни кўк кийимли аёл майдон ўртасига бошлаб кетди. Мен тез юролмаслигим учун сафдан “узилиб” орқада қолдим. Ҳар беш-ўн қадамда тўхтаб, нафасимни ростлаб, орқа-олдинга қарайман. Сафда бораётган Абдуллажоннинг, хотинининг оёқлари олдинга қараб кетяпти-ю, бошларини буриб-буриб, юраги узилиб қолаётгандай орқага қараб-қараб қўйишади. Олдин “менга қарашяпти”, деб ўйладим. Кейин синчиклаб орқага қарасам, кутиш айвонида беш-олти ёшли бола — Абдуллажоннинг ўғилчаси амакилари ёнида қаноти боғланган қушдай типирчилаб турибди... Ҳамма тайёрага чиқиб бўлган, зина олдида учувчи ва чипта текширувчи аёл қолган экан:

— Кечикдиз, тез чиқинг, — дейишди. Чиқмай турдим:

— Сизларнинг ҳам фарзандларингиз борми?

Ҳайрон бўлиб, бир-бирига қарашди-да, сўнг юрагига ваҳима тушиб:

— Ҳа, бор, нимайди? — дейишди баравари.

— Ху, ўша айвонда қаноти боғланган қушчадай типирчилаб турган бола шоирнинг ўғли.

— Қанақа шоир?

— Абдулла Ориповни, — дедим. Кўп оддий хизматкорлар катта амалдорларни, мукофотдорларни ҳурмат қилишини эслаб: — Давлат мукофоти лауреатининг ўғли. Ўғли бу ерда қолса-ю, ота-она қандай учиб кетади? Отаона бўлсаларингиз тушунишларинг керак уларнинг ҳолини.

“Давлат”, “лауреат” деган сўзлар таъсир қилдими ё оталик меҳри қўзидими — чиптачи аёлнинг майда қадамларига тоқати чидамай, учувчининг ўзи югуриб кетиб, боланинг қўлидан ушлаганча чопиб келди.

...Кўп катта истеъдодларнинг дарвешона, меҳнату қобилиятларига номутаносиб мискину фақир умргузаронлик қилишларига сабаб — уларнинг шундай камтар, камсуқум, инсофли ва виждонлилигидир. Халқнинг чексиз меҳрмуҳаббатию ҳурмати ҳам улуғ одамларнинг оиласига нисбатан бу адолатсиз “кемтик”ни текислолмайди. Бизнинг ҳуқуқсиз тузумимиз, давлатимизда бу айниқса оғир. Яқинда АҚШга бориб келган арман адиби Грант Матевосян:

— Ҳамюртларим билан кўришиб дилим яйради-ю, виждоним қийналди: улар бизни меҳмон қилишдию, бизнинг дастурхон ёзишга қурбимиз етмади... дунёда энг ҳуқуқсиз, ҳимоясиз, энг қашшоқ шўро ҳукуматининг адиблари, санъаткорлари экан, — деган эди.

## Қутқулар

*“...Гоҳо руҳият дунёсининг қийноқлари, ёвузларнинг қутқулари кишини дўзах азобидан баттар уқубатларга гирифтор қилади. Бироқ яшаш керак экан, тириклик ҳам, ахир ярим ҳикмат-ку...”*

Бу шоир қалбидаги руҳий ғалаёнлар, тўфонларнинг ҳосиласи. Абдуллажон ўзига-ўзи тасалли бериб, аламини меҳнатдан, мутолаадан олиб, гоҳо шеърларига юклаб, шу “қутқулар”ни енгиб келаётган шоир. Оддийгина нозик ниҳолнинг ҳам сояси бор. Катта истеъдодларнинг соясини, ҳасадгўйларини ҳеч кимга тақдир йўлиқтирмасин!

Кичик мисол: шоир турмуш икир-чикирлари, худбин ва бачкана амалпарастларнинг кирдикорларидан қийналиб юрган кезлар. Иккита шеъри босмахонага туширилиб, ҳарфлари тердирилган. Таҳририятда кундузги юмушлар тугаб, ходимлар уйга қайтишидан ярим соат олдин —17.40 да “планировка” бўлади. Эртага саҳифага қўйилиши зарур бўлган материалларни ҳар бир бўлим вакили, муҳаррир ва котиб таклиф этади. Мен ёш шоирга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бўларми, деган умидда муҳаррир хонага кираётганда адабиёт бўлими вакилига: “Ўша шеърларни бугун таклиф қилинг”, дея эслатаман. У “хўп” дегандай бошини силкитади-ю, лекин муҳаррир олдида талқон ютиб ўтиради. Бу “хўп” ҳафта, ой, уч ойга чўзилади: “Бу одам нега бундай қилади? Шеърлар ёқмадими ё қалтис жойи бормикан?”

Шанба куни “планировка”да муҳаррир:

— Расмий ахборотлар, саноат, қишлоқ хабарлари кўпайиб, газета жуда зерикарли чиқяпти, ўртоқлар. Терилган тайёр нарсалардан ҳаммабоп, энг қизиқарлиларини таклиф қилинглар, — деди.

Мен адабиёт бўлимидаги “тормозчи”нинг йўқлигидан фойдаланиб, ўша шеърларни таклиф этдим...

Душанба куни эрталабки “летучка”да шеърларни муҳаррир тўлқинланиб мақтади:

— “Совет Ўзбекистони”да ана шу “Бургут”дай, “Аёл”дай асарларни бериш керак кўпроқ.

Ундан кейин бошқалар, ҳатто мусаҳҳиху “партия турмуши” бўлимининг мудирларигача мақташди. “Тормозчи” нима қилар экан, деб қараб ўтирибман. У менинг кўзларимга бақрайганча қараб, уялмай-нетмай ҳаммадан кўп — ўн минут гапириб, баҳонада бўлим фаолиятидан “ҳисобот” берди, ўзининг фидойи, жонкуярлигини “кўрсатди”:

— Авторларга олдиндан заказ бериб, югуриб-елиб, орқаларидан қувиб, минг бир машаққатлар билан тайёрлаймиз бунақа материалларнинг ҳар бирини. Бўлимда эса ходим кам, маош оз.

Бу кетишда “тормозчи” ҳозир: “Бу шеърларни ҳам бошдан-оёқ ўзим қайта ёзиб чиққанман!” — деб юборар дея хавотирланиб ўтирганимда, йўқ, худо инсоф бериб бундай демади. Шунисига ҳам шукр. Шунда ҳамиша ёқимли, оройишта табассум қилиб юрадиган бу гўзал аёл кўзимга жуда ёвуз, “дўзахий” кўриниб кетди. Абдуллажоннинг деярли ҳар бир сатри шундай ҳасадгўйларнинг орасидан ўзига йўл очиб ўтган. Унга катта истеъдод берган худойим жонига ҳам тўзим берсин.

## Қадаҳ сўзининг давоми

Ҳамюртимиз, дилбар бастакор Раҳматжон Турсуновнинг эллик ёшлик тўйини ўтказиш учун вилоятимизга Қашқадарёнинг биринчи расмий шоири Жуманиёз ака “кенгликлар” ошуфтаси Раҳматжоннинг қадрдони Абдуллажон билан бирга келган эди. Ҳилол, Косондаги учрашувлардан кейин Раҳматжон Турсуновнинг қайнонасиникида ўтирибмиз. Менга сўз беришди. Жуманиёз ака, Абдуллажон ҳақида сўзлаб, энди чинакам «дарвеш», бетакрор ҳайкалтарош ва кандакор Омон Азиз, шунингдек, Садриддин Салимов, Баҳтиёр Анвар ҳақида гапирмоқчи бўлаётганимда ўзига бино қўйган бир даврадошимиз “гапнинг белига тепиб”, “берди”ни узиб қўйди. Узилиб қолган ўша сўзнинг давоми:

“...Шоирларимизни эл-юрт яхши танийдию, лекин мен Омон Азизга, Раҳматжон Турсуновга кўпроқ ҳавас, ҳатто рашк қиламан. Сабабки, Жуманиёз ака, Абдуллажоннинг шеърлари қандай пурмаъно, жилвагар, сероҳанг, гўзал бўлмасин — Ўзбекистон, Ўрта Осиё ҳудудидан чиқаётганда “тилсиз” бўлиб, дудуқланиб қолади. Уларни бошқа минтақаларда аслидагидек тушунмайдилар, таржималарда эса аслнинг жозибаси, шираси қолмай, бегоналашиб кетади. Омон Азизнинг эса мисга муҳрланган гўзал ғоялари, Раҳматжон Турсуновнинг дилрабо куйлари ҳудудларни тан олмай, бутун нафосати билан эллар аро кезиб, оқ танли, қора танли, сариқ танли — бани оламни асир қилаверади.

Шунда Абдуллажоннинг шеърларини ўқий олмайдиганларга менинг раҳмим келади. Бир китобхон сифатида инсониятнинг буюк фарзандларидан бири Робиндранат Тагор ўз шеърларини йироқ ўлкаларда ҳам таржимасиз ўқишлари учун расм-лавҳа усулини топган экан. Абдуллажоннинг ҳам нотуркигўй элларга раҳми келиб, шеърларини таржимасиз тушунадиган бирон усул топса бўлмасмикан?”

Ана шу эди узилган сўзимнинг давоми.

## Муроди ҳосил

*“Ижодкор учун раҳнамонинг аҳамияти қай даражада муҳим?..”*
*Хаёлимда ҳали ҳам ўша китоб: “Лев Толстой”.*

Менинг бу майда-чуйда воқеаларни ёзишдан муродим Абдуллажонни мақташ ёки лаганбардорлик қилиш эмас, муроди ҳосилим — армонли бир ўкинчни айтиш.

Агар Абдуллажон шунча вақти, кучини рўзғор тебратиш учун ишлашга, бошпана қидиришга, озурда асабларини тинчитишга сарфламай — ўша навқирон ўсмирлигидаёқ оддий инсоний шароитда яшаб бутун вақтини, борлиғини шеъриятга бағишлай олса, ҳозир қандай буюк сиймо бўларди!

Аминманки, ҳозирги даражасидан ўн чандон юксакроқ даражага етишган, у туфайли ўзбек адабиёти ҳам қаддини янада расо қилиб юрган бўларди. Бунинг учун алоҳида имтиёзлар керак, демайман, йўқ, вақтида оддий инсоний турмуш шароитлари керак бўлган эди шоиримизга. Шунда шоир изтиробларга тушиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб юрмасди ва бу сатрларни ҳам битмасди:

***Элликда одамлар қирол бўлишган,***
***Қирол бўлмаганлар қарол бўлишган.***
***Аравакаш бўлган уқувсизлари,***
***Шу ёшда бойиган заргарлар бари,***
***Шоирлар шу ёшда довруқ қозонган,***
***Ёнса сўнгги муҳлат ошиқ ҳам ёнган,***
***Оҳ, дўстим, биз-чи, нимани кўрдик,***
***Элликка шунчаки лаллайиб кирдик...***

*Ёки:*

***Сенга балки аён, балки ноаён,***
***Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён.***
***Майли, сувлар кечгин, майли, ўтда ён,***
***Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.***

***...Саховат аҳлига гарчи юз бурдим,***
***Гоҳи дам ҳайратда лол қотиб турдим,***
***Норнинг ит олдида чўкканин кўрдим,***
***Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин...***

Бу сатрлардан ҳар бир туркигўй фуқаронинг юрак-бағри зирқираблар кетади. Бу ҳазил эмас, муболаға ҳам эмас — қон силқиган жигарнинг тўлғониши, алам-армонларга лиммолим дилнинг пушаймонли нидоси.

Тангри пешонасига улкан истеъдодни битган халқнинг... бахти ярим. Ўша истеъдодни бағрикенглик билан камолга етказадиган жўмард халқнинг бахти бутун бўлади. Бўлмаса, “худо берган” сара уруғ ҳам яхши ишланмаган кучсиз тупроққа тушиб, сув, ҳаво, қуёшдан тўла баҳраманд бўлолмаса — тўла етилмаса ярим пуч бўлиб қолиши мумкин.

Абдулла нега Турон сарҳадларида қолиб кетди?

У улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ёнидаги Улуғбекдай ўсса, қандай сиймо бўларди?

Толстой нега даҳо бўлиб дунёга танилди?

...Абдулла бошпана сўраб маҳобатли маҳкамага боради...

Лев Толстой асарларининг қалам ҳақидан воз кечганда хотини жавраб-йиғлаб ҳоқон-император олий ҳазратларига арзга боради. Икки-уч жамоа хўжалигига етадиган ер-суви, боғ-роғлари, ўрмонлари, ўрта мактаб болалари жойлашадиган уй-жойи, бир қишлоққа етадиган анжомлари, бир давлат хўжалигининг ишчиларига тенг хизматкорлари, икки ярим миллион сўм жамғармаси бўла туриб, ҳоқонга қандай арз қилади, денг:

— Қариб, мияси суюлган чолим мени, бола-чақаларимни оч, яланғоч қолдириб, бўйнимга тўрва осиб, гадойликка чиқишга ундаётир. Войдод!..

Ҳоқон ҳазрати олийларининг “оч, яланғоч қолаётган” бола-чақаларга раҳми келиб, адибнинг ҳеч босилмаган ва кўрсатилмаган томоша асари (пьеса)ни ҳоқонлик саҳнасида қўйдиради ва миллионер “гадойлар”га умрбод нафақа тайинлайди.

Ёинки Гоголни олинг:

Дунёда рус тузуми, ҳоқону ҳокимлари, амалдорларининг аста-аврасини ағдариб Гоголдай дўппослаган, шармандаи шармисор қилиб улар устидан Гоголчалик кулган бирон зот йўқ. Гоголнинг дўстлари “Ревизор” ҳеч бир саҳнага қўйилмайди, дея башорат қилиб юришганда, бу асар биринчи бўлиб ҳоқонлик театри саҳнасида қўйилади, ҳоқон унинг биринчи томошабинларидан бўлади. Томоша тугагач, ҳоқон вазиру ҳокимларни йиғади:

— Хўш, қалай?

Ҳамма жим.

Шунда ҳоқон мазза қилиб яйраб кулади:

— Ҳамманг қилмишинг, аъмолу бадингга яраша жазоингни олдинг. Лекин заранг калтакнинг энг кучли зарбаси менинг бошимга тушди! — деган. Адибни эса жаллод қўлига топшириш ўрнига... унга умрбод етадиган нафақа тайинлаган: — Бундай одам муҳтожликда қийналиб юрмасин, бизнинг башараларимизни ойнага солиб, ана шундай аниқ кўрсатадиган асарлар ёзсин кўпроқ!

Майли, булар тан олинган даҳолар экан. Оддий косибнинг ўғли, ўзини “ўртамиёна адиб” ҳисоблаган Чехов-чи?

Пойтахтда бетоблашиб қолган Чехов Ялтага боради. Денгиз қирғоғидаги хушҳаво гўшада ўн ойда ярим гектарлик чорбоғ, уч қаватли уй (оқ харсангтошлардан) қурдириб олади. Чор ҳукумати Москвадан Ялтага — Чеховнинг уйигача телефон сим торттириб беради. Бетоб адиб “Чайка”нинг премьераси учун пойтахтга қатнаб узилиб қолмасин, дея Ялтанинг пароход бекатида муҳташам театр қурдиради. Шу баҳонада шаҳар театрли бўлади. Катта театрнинг бутун жамоаси бориб, адибга асарини кўрсатади...

Мен Чехов уй-музейи мутасаддисидан сўрадим:

— Бундай уй-чорбоғни Чехов ўн ойда қандай маблағга қурдирган?

— Адиб қирқ ёшга кирганда ёзганларининг ҳаммаси жамланиб, олти мингдан ортиқ хатлари қўшилиб, йигирма жилдли китоблари чиқарилган. Бу уй-жойни қуришга адиб бир йилда олган қалам ҳақининг ярми ҳам сарфланмаган. Онасига, Горькийга, ука-сингилларига, ошпазига алоҳида-алоҳида қурдирган хоналар ҳам шу ҳисобга киради.

Қанийди бизнинг шоирлар, бастакор, мусаввирлар бахтига ҳам тангри шундай бир раҳнамони ато этсайди. Бизнинг чориқ билан тўрга ўтган тезпишар раҳнамоларимиз, уларнинг маддоҳ “назариячи”лари “Бундай шароитда ижодкор халқ дарду ташвишларидан узоқлашиб, бегоналашиб кетади”, дейишлари аниқ. Йўқ! Бу кўрмай-кўрмай энди мансабнинг мазасини тотган пуч раҳбарларнинг бахил, очкўз “назарияси”дир. Асил — айнимайди. Бунга мисол — Абдуллажоннинг амалдор бўлгач, СССР халқ депутати бўлгач ёзган шеърлари. Шунда мен рус адиблари ичида биринчи бўлиб Нобель мукофотини олган Иван Буниннинг сўзларини эслайман. Уни Париждан Россияга қайтиб келишга чорлашганда, юртини қўмсаб юрган адиб бошини тебратиб, қақшаб зор-зор йиғлайди:

— Биламан: ишчи ва деҳқонлар покиза одамлар. Лекин уларда илм, давлатни бошқариш малакаси йўқ. Қонун-қоидаларни, жамиятнинг ривожланиш қонунларини ўрганиш учун уларда вақт ҳам, шароит ҳам бўлмаган. Давлатни фақат ҳалоллик билан бошқариш учун махсус тайёргарлик зарур. Мен ўз мўъжаз рўзғорини эплаб бошқаролмаган ишчи, деҳқон “бошқараётган” юртга бориб қандай яшайман? Уларнинг жоҳилона йўл-йўриқ, буйруқларига қандай чидайман?!

Адибнинг башоратига бугун бутун Иттифоқ гувоҳ бўлиб турибди.

Бунга руснинг виждондай адиби Виктор Астафьев ҳам яқинда жавоб бергандай бўлди. Унга китобхонлари хатлар йўллаб: “Афсус-надоматлар бўлсинким, сиздан Лев Толстой чиқмади. Ҳатто Юрий Трифонов даражасига ҳам етолмадингиз”, дея таъна қилишганда, шундай жавоб берди:

— Ҳозир сизлар яшаб турган йиртқичона ит турмушини тасвирлашга менинг иқтидорим бемалол етади. Қачонки сизлар инсоний ҳаёт қуриб, одамдай яшай бошлаганларингда Лев Толстой ҳам пайдо бўлади, албатта, пайдо бўлади.

* * *

— Ҳеч яшагим келмайди. Бу тирикчилик кўзларимга жуда совуқ, бемаъни кўринади. Хунук даҳмазага ўхшайди, — деб қолди.

— Ҳали ёшсиз, нега безидингиз дунёдан?

— Ҳе, бу дунёси қурисин!

Унинг маъюс, рангсиз, кул босгандай кўзларига кўзим тушиб, юрагим шиғиллаб, нафасим ичимга тушиб кетди. Қандай далда беришни билмай, довдираб қолдим. Бундай қалтис дамда бир калима сўз тарозининг ё у, ё бу палласини босиб юбориши мумкин. Сукут сақлаб, сўнг шоирнинг менга сирли туюлган икки сатрини айтдим:

***...Ниманидир ахтараман —***
***шеърдан ҳам улуғ,***
***Ниманидир ахтараман нондан азизроқ.***

Суҳбатдошим бошини кўтариб, менга маюс тикилди:

— Бу нима экан-а “нондан азизроқ”?!

Мен унинг умидсиз, сўниқ кўзларига ҳаёт шуъласи эниб, ёлқинланганини кўрдим. Бужмайган сарғиш қоғоздек яноқлари остига ранг югурди.

Саволини яна такрорлади:

— Нима экан-а?

— Қайдам... нондан азиз нима бўларди: “Ярим ҳикмат” — Ҳаётдир-да!

Суҳбатдошимнинг рангсиз кўзларида жило пайдо бўлди:

— Қизиқ, мен яна баҳорни соғина бошлаганга ўхшайман...

***Қарши. 1991 йил, 17 март.***

Ўқув даргоҳларида

# Коллежимиз ёшлари

## эришаётган ютуқлар билан фахрланамиз

**Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи мустақиллик шарофати билан бунёд этилган зиё масканларидан бири. Коллежда илм олаётган талабаларга узоқ йиллик тажрибага эга бўлган устоз-мураббийлар таълим-тарбия бериб келмоқда.**

Ўқув даргоҳимиз вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари орасида ўтказилган кўрикда фахрли 1-ўринни эгаллашида малакали ўқитувчиларнинг меҳнати самараси ўзининг ижобий натижасини берди.

Шуниси эътиборга лойиқки, собиқ кооператив техникуми айни пайтда юридик ва маиший хизмат коллежи тарихида талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари умуман қайд этилмаган. Бу қувончли ҳол, албатта. Жамоамиз таълим баробарида тарбияни мустаҳкам йўлга қўйишга эришган. Мазкур даргоҳда таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган талабаларга бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Бухоро шаҳридаги сиҳатгоҳ томонидан талабалар ўқув йили жараёнида тиббий кўрикдан ўтказиб турилади.



Спортга бўлган эътиборни ҳам алоҳида қайд этиш мумкин. Республика, вилоят спорт мусобақаларида талабаларимиз мунтазам иштирок этишмоқда. Спортнинг шохмот, стол тенниси, ўзбек миллий якка кураши, мини футбол, таэквандо турлари бўйича талабаларимиз 1-ўринни эгаллаб келмоқда. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида вилоят терма жамоасининг қизлар жамоаси коллежимиз талаба қизларидан ташкил этилгани албатта, биз учун катта ютуқ...

Ёинки, жорий 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили»да ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчилар турар жойлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали ўқувчилар турар жойи» вилоят кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни, «Халқаро талабалар куни»га бағишлаб олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими талабалари ўртасида ўтказилган волейбол спорт мусобақасида фаол иштирок этиб 2-ўринни эгаллаган талабаларимиз Самарқанд вилоятида оғир атлетика федерацияси ташаббуси билан «Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида халқаро тоифадаги спорт устаси В.Б.Усмонов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий А.В.Хванларнинг хотирасига бағишлаб очиқ халқаро турнирда 1-ўринни, 63 кг. вазнда юқори натижа билан «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси коллежимизнинг 2-босқич талабаси Юлдуз Суфиддинова фахрли 1-ўринни эгаллаб, коллежимиз шарафини яна бир карра ҳимоя қилдилар.

Конституциямизнинг 15 йиллиги муносабати билан «Қомусимиз – ор-номусимиз» мавзусида талабалар ўртасида кечалар ва интеллектуал ўйинлар ташкил этилгани ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда тарбиявий ва ўқув ишлари бўйича масъул А.Ҳайитов, М.Орзиев каби юзлаб устоз-мураббийларнинг меҳнатлари бесамар кетмаётганлигидан фахрланасан киши...

Ҳар қандай улкан минора ҳам дастлаб пойдевордан қад кўтарганидек, илмнинг чўққиси ҳам бошланғич таълимдан бошланади. Бугун коллежда таълим олаётган йигит-қизлар эгаллаётган илмлари пойдеворига олийгоҳларда таълим олишлари учун пухта замин яратилмоқда. 2006-2007 ўқув йили давомида умумтаълим фанлари бўйича касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, умумий кўрсаткичлар бўйича ҳуқуқшунослик фанлари мажмуасида фахрли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишган бўлса, коллежнинг биринчи босқич талабаси Зебинисо Муродова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

***Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаб, ҳар бир дарсдан ўзининг билимини мустаҳкамлаб бораётган талабаларимиз билан фахрланамиз. Бугунги ёшларимиз эртага, албатта илм чўққиларини забт этади, бизни ишонтирадиган нарса уларнинг бугунги эришаётган ютуқларидир. Зотан, ҳазрат Навоий ёзганларидай, «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшдир».***

**Нуриддин БОЗОРОВ,**
**Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори.** ®

# Италия: мафияси сардори қўлга олинди

**Италия жанубида жойлашган Неапол шаҳрида мамлакат мафиясининг етакчиларидан бири 52 ёшли Эдоардо Контини ҳибсга олинди.**



Италия жиноий тўдалари орасида таниқли бўлган ушбу шахсни қўлга олиш операциясида махсус бўлинмалар иштирок этди.

Мамлакат ички ишлар вазири Жулиано Аматонинг айтишича, неаполлик жиноятчи полиция томонидан бир йил давомида кузатилган. 2000 йилдан буён қидирувда бўлган Эдоардо Контини бир муддат Европа мамлакатларида яшириниб юрган.

Айтиш керакки, сўнгги ойларда Италия полицияси мафияга қарши курашни кучайтирди. Жорий йилнинг ноябрида Сицилия мафияси раҳбари, "босслар босси" номи билан танилган Сальваторе Ло Пикколо ҳибсга олинди. Мамлакат ички ишлар вазири махфий жиноий тўдаларга қарши кураш давом этишини таъкидлаган.

# Дунёдаги биринчи газетофон

*Швециянинг Dagens Nyheter газетаси ўз муштарийлари учун янги хизмат турини жорий қилди. Ўқувчилар эндиликда уяли алоқа телефони орқали газета сайтига тўғридан-тўғри киришлари ва унда чоп этилган мақолалар билан танишишлар мумкин.*



*Уяли алоқа кенг ривожланган Швецияда мобил телефон орқали газета ўқийдиган мижозлар сони Япония, Жанубий Корея каби давлатларга қараганда кўп эмас. Уяли алоқа хизмати имкониятини юқори баҳолаган Dagens Nyheter таҳририяти мазкур бепул хизматни жорий этиш орқали ўз муштарийлари сонини оширишни мақсад қилган.*

***Россия ва Жанубий Корея уранни қайта ишлаш бўйича қўшма корхона ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилмоқда. Бу борада дастлабки ҳужжат икки мамлакат ҳукуматлараро комиссиясида имзоланди.***

# Уранни қайта ишлаш бўйича қўшма корхона

*Мазкур ҳужжатга кўра, ҳар икки томон ҳукуматлари ядро энергетикаси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшишлари зарур. Янги қўшма корхона Жанубий Корея корхоналарида фойдаланилган уран қолдиқларини қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланади.*

*Бу Россиянинг атом энергетикаси соҳасидаги биринчи лойиҳаси эмас. Ҳозирда "Атомстройэкспорт" компанияси Эроннннинг Бушер шаҳрида АЭС қуриш лойиҳасини амалга оширяпти.*

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

# «Сунъий буйрак» синовдан ўтди

***Xcorporeal Inc тадқиқот маркази портатив «сунъий буйрак» яратди ва уни синовдан ўтказди, деб хабар беради Lancet журнали. Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, ушбу ихтиро буйрак касалидан азият чекаётган кишиларга асқотади.***



Олимлар томонидан "сунъий юрак" деб аталаётган ускунанинг ишлаш тартиби қуйидагича: беморнинг томирларига махсус мослама ўрнатилади. Даволаш бир ҳафтада икки-уч марта, ҳар гал 4-12 соатдан давом этади. Мазкур ускуна беморларнинг буйрак иш фаолиятини яхшилашга ва организмнинг тозаланишига кўмак беради.

Тадқиқот гуруҳи раҳбари Эндрю Давенпорт бугунга қадар ўтказилган синовларга асосланиб янги ускунадан келгусида фойдаланиш мумкинлигини айтмоқда.

Айни пайтда портатив «сунъий юрак»нинг танаффуссиз 4-8 соат ишлаши мумкин. Мутахассислар ускуна иш вақтини 24 соатга узайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Дунё бўйича 1,3 миллион киши буйрак хасталигидан азият чекяпти. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам буйрак кўчириш орқали даволаниш имконига эга эмас. Олимлар портатив "сунъий буйрак" бу борадаги изланишларни янги босқичга олиб чиқишига умид қилмоқдалар.

Дараклар

# Конгресс қийноқларни тақиқлади

***АҚШ конгресси вакиллар палатаси Марказий разведка бошқармасининг маҳбусларга нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлиши ва қийноқлар қўллашини тақиқловчи қонун лойиҳасини тасдиқлади.***



Лойиҳани 222 депутат ёқлаган бўлса, вакиллар палатаси аъзоларидан 199 нафари унга қарши чиққан. Мамлакат қонунчилигига кўра, қонун лойиҳаси эндиликда Сенат муҳокамасига қўйилади. Америка парламентининг юқори палатаси ҳам лойиҳани маъқулласа, у имзолаш учун президентга юборилади. Лекин ҳозирданоқ Оқ уй маъмурияти ушбу лойиҳага вето қўйилишини маълум қилган.

Бундан бир муддат аввал Марказий разкедка бошқармаси томонидан маҳбусларга қарши қийноқлар қўлланаётгани тўғрисида хабарлар тарқалганди. Бу ҳолат халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан танқидий баҳоланган эди.

Қонун лойиҳаси махфий бўлишига қарамай, унинг айрим қисмлари жамоатчиликка ошкор этилди. Лойиҳада разведка бошқармаси мамлакат парламентига қийноқлар бўйича қонун талаблари қандай бажарилаётгани хусусида маълумот бериб туриши кераклиги ҳам қайд этилган.

Бундан ташқари, конгрессменлар давлат бюджетидан махсус хизматлар учун ажратилган маблағнинг 70 фоизини ёпиб қўйишди. Мазкур тақиқ парламентнинг разкедка қўмитаси Суриядаги ядро объектларига Исроил томонидан 2007 йилнинг 6 сентябрида режалаштирилган ҳужумлар тўғрисида ҳисобот олганидан кейин бекор қилинади.

# Арктика музлари хавф остида



*Калифорния тадқиқотчилари Арктика музи йўқолиб бораётгани тўғрисидаги шов-шувли хулоса эълон қилди. Таҳлилчилар томонидан энг пессимистик прогноз дея баҳоланган хулосага кўра, 5-6 йилдан кейин Шимолий муз океанида музлар эриб битади.*

*Профессор Вислав Масловски олимларнинг бундан олдинги хулосалари ҳам эътиборга олинмагани, бироқ муз эриши ҳақиқатан ҳам шиддат билан кечаётганини айтган. Мутахассиснинг таъкидлашича, биргина ўтган ёз мавсумида музлик майдони 4,13 миллион километрга камайган.*

*Турли тадқиқот гуруҳлар томонидан Арктика 2040-2100 йилларда музсиз қолиши ҳақида тахминлар илгари сурилганди.*

*Калифорния олимлари мазкур хулосаларда эриш суръати етарлича баҳоланмаганини билдирганлар. Уларнинг тахминига кўра, Тинч ва Атлантика океанларидан келаётган илиқ ҳаво оқими ҳам эриш жараёнини тезлаштирмоқда.*

*Британиялик тадқиқотчилар эса Арктикада 2040 йилларда муз қолмаслигини тахмин қилмоқдалар.*

# Қишлоқда замонавий мактаб

***Мустақиллик йилларида тарбияланган ёшларнинг аксарият тараққиёт ва янгиланиш сафларига келиб қўшилди. Ҳаётда ўз ўринларини топишди. Бу ёшларнинг аксари дунё ёшларидан қолишмайдиган бўлиб вояга етаётганлиги кишини қувонтиради. Давлатимиз дастлабки йиллардоноқ таълимни ривожлантиришга ва уни ислоҳ қилишга эътибор қаратгани боис билимдонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Натижа йил сайин юзага чиқиб бормоқда.***

Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинганидан кейинги ўтган 3 йилни олайлик: бурунги мактабларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Республика бўйича янги мактаблар қуриш, капитал таъмирлаш ва жорий таъмирлаш ишига киришиб кетилди. Шу тариқа мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида бир-биридан муҳташам кошоналар бўй кўрсата бошлади. Уларнинг дастлабкилари 2004-2005 йилларнинг ўзидаёқ битказилиб, ишга туширилди. Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 19-ўрта умумтаълим мактаби ҳам биринчилардан бўлиб капитал таъмирланган мактаблар сирасига киради.

— Мактабимиз капитал таъмири учун давлат бюджетидан 54 миллион 300 минг сўм ажратилганди. Натижада унинг қиёфаси, шарт-шароити, имконияти мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Хоналари кенг ва ёруғ. Спорт зали, кутубхона, синф хоналари чириган пол ва чипта ямоқни эслатувчи эшик ромларидан қутилди, — дейди мактаб директори Икромжон Жакбаров.

— Авваллари хоҳ мактаб, хоҳ болалар боғчаси учун тикланаётган ёки таъмирланаётган бино қурилиши иши билан маорифчиларнинг иши бўлмасди. Қачонки иншоот битса, қабул қилинаверарди. Шундай эмасми? — сўраймиз ундан.

— Тўғри. Сиз айтган ҳолнинг оқибати ҳамма вақт ҳам ижобий бўлмаган. Аксинча кўп ишлар чала қолиб, унинг ташвиши йиллар давомида мактаб жамоасини хуноб қиларди. Энди-чи? Бино таъмирига киришилган дастлабки кундан то охирига қадар таълим тизими масъулларининг назоратида бўлмоқда. Зарур бўлганда усталар билан елкама-елка ишлашдик. Ўз навбатида ўқувчиларимиз ҳам қараб турмай жонбозлик кўрсатишди. Натижада мактабимиз режадагидан-да сифатлироқ таъмирдан чиқарилди. Уни таъмирлаб даромад топган, ўз навбатида сифатли иш бажариб, совринли бўлган бинокоримиз — "Чортокагротаъмирқурилиш" базаси бинони таъмирлаш билангина кифояланиб қолмасдан махсус лойиҳа асосида мактаб атрофини ўраб турувчи, ҳимояловчи деворларни ва темир панжараларни, шунингдек, замонавий кўринишдаги дарвозани ҳам қуриб берди. Ҳовли ичидаги мавжуд йўлакларни асфальтлади.

Халқ таълимига, миллат келажагига қаратилаётган бундай эътибор қалбларда ғурур-ифтихор уйғотиш билан бирга зиммамизга катта масъулият ҳам юклатаётир. Таълим тизимини янги поғоналарга кўтаришга туртки бўладиган ташаббуслар, янгиликларга қўл уришга руҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, биргина мазкур мактабнинг ўзида директор санаб ўтганидан кўра улуғворроқ, самаралироқ ишлар амалга оширилган. Хусусан, мактабнинг спорт майдончаси, спорт заллари қайта таъмир этилгани ҳолда 33 турдаги зарур замонавий спорт анжомлари билан таъминланди. 3 та синф хонасига янги ўқув жиҳозлари келтирилди. 19 та синф хонасидаги жиҳозлар ўқувчи ёшлар кучи билан ўз "ёшлигига қайтди". Яна 8 та синф хонасидаги умрини яшаб бўлган ўқув жиҳозларини янгилаш масаласида туман маорифи масъуллари астойдил изланишмоқда. Шунингдек, ҳозирда мактаб жамоаси Осиё тараққиёт банкининг умумтаълим мактабларининг информатика хоналарини ҳамда ахборот ресурс марказини компьютерлаштиришга ажратаётган грант маблағини қўлга киритиш устида иш олиб бормоқда. Ҳозиргача Осиё тараққиёт банкининг талаби асосидаги 1 миллион 200 минг сўмлик иш бажарилди.

Янгича шароитда янгича ишлаш ҳам йўлга қўйилгандир, деган саволимизга

— Албатта, — дея тўлқинланиб жавоб қилади мактаб директори: — Аввало шуни айтишим керакки, яқин йилларгача бўлган кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Мавжуд 48 та иш ўрнининг ҳаммаси малакали педагог кадрлар билан таъминланди. Улар кучи ёрдамида давлат таълим стандарти талабларига мос ўқув дастурининг чораклар бўйича тест топшириқлари ва назорат материаллари банки ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўзида 1702 номдаги бадиий адабиёт, 148 номдаги методик қўлланма ва 3520 дан ортиқ дарсликлар ўқувчилар қўлига етказиб берилди. Хорижий тилларни ўқитишда янги педагогик технология ва ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш ҳам яхши самара бермоқда. Натижада ўқувчиларимиз орасидан фан олимпиадасида қатнашаётганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Қолаверса, жорий йилнинг ўзида мактабимизни битирган 20 га яқин ўқувчимиз республикамизнинг турли олийгоҳлари талабаларига айланишди.

**Саййид ОЛИМ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

Шарҳ

# Европа сиёсатини ўзгартирган можаро

## Ёки Россия ва Польша кўпга чўзилган иқтисодий келишмовчиликни батараф этиш арафасида

***Польша ва Россия ўртасида бир неча йилдан буён давом этиб келган совуқ муносабатлар ўрнини илиқ қўшничилик алоқалари эгаллаяпти. Бир вақтлар ягона лагерда бўлган ва замона зайли билан икки қутбга айрилган давлатлар ҳамкорлигининг яна қайта жонланаётгани Польша сиёсий ҳаётида рўй берган сўнгги ўзгаришлар билан боғлиқ. Жорий йилнинг октябрида бўлган парламент сайловида Доналд Туск бошчилигидаги "Фуқаролик платформаси" партияси ғалаба қозонди ва мамлакат қонунларига кўра қонунчилик идорасида кўп ўрин эгаллаган сиёсий гуруҳ сифатида ҳукуматни шакллантирди. Партия етакчиси Доналд Туск эса мамлакат бош вазири вазифасини эгаллади.***



Шарқий Европа юрагида жойлашган Польша собиқ шўролар давриданоқ минтақа ҳаётида муҳим ўрин тутган. Коммунистик режим қулаб, мамлакат ривожланишниг янги йўлига ўтгани ва Европа томон юз бурганидан кейин Варшаванинг сиёсий майдондаги ўрни янада ошди. Хабарингиз бор, 2005 йили Польша ҳукумати тепасига Россияга қарши кайфиятда бўлган ақа-ука Лех ва Ярослав Качинскийлар келишди. "Адолат ва қонун" партиясининг асосчилари бўлган ака-укаларнинг бири Польша президенти (Л. Качинский), яна бири бош вазири (Я. Качинский) лавозимига ўтиришди. Давлат ва ҳукумат бошқарувини бир пайтнинг ўзида қўлга киритган арбоблар сифатида тарихга кирган эгизаклар аввал-бошдан Россияга қарши сиёсатни танлашди. Бу ҳолат охир-оқибат мўътадил фикрли Европа Иттифоқи давлатларининг Россияга бўлган муносабатини ҳам кескинлаштирди.

Ҳаммаси 2005 йили Россия Польшадан гўшт маҳсулотлари келтиришни ман этганидан бошланди. Бу ҳолат Москва томонидан "Польша бошқа давлатларда тайёрланаётган сифатсиз гўшт маҳсулотларини экспорт қилаётгани" билан изоҳланди.

Ўшанда мана шу арзимаган можаро икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни бутунлай тўхтатиб қўйиши, боз устига бу ҳолат Европа Иттифоқи сиёсатига таъсир этиши ҳеч кимнинг, ҳаттоки Москва ва Варшава расмийларининг ҳам хаёлига келмаган эди. Лекин катта сиёсатда можаронинг катта-кичиги бўлмаслиги бу гал ҳам ўз тасдиғини топди.

Ярослав Качинский ҳукумати Россиянинг бу ҳаракатини Польшага қарши фитна деб баҳолади ва муносиб жавоб беришга ваъда берди. Гарчи Кремль маъмурияти қизиққонлиги билан танилган Польша бош вазири сўзига эътибор бермаган бўлса ҳам, кейинроқ - "муносиб жавоб" берилганидан кейин анчайин мураккаб аҳволга тушиб қолди.

Айни ўша пайтларда Россия ташқи ишлар вазири польшалик ҳамкасбига Москвага ташриф буюриш тўғрисида таклиф юборди. Юқоридаги тақиқдан қаттиқ хафа бўлганини ошкора билдирган Польша ташқи ишлар вазирлиги таклифга умуман жавоб бермади. Шу тариқа икки томонлама муносабатлар совуқлашиб кетди.

Аслида гўшт экспортининг тўхтатилиши шунчаки иқтисодий чора эмаслиги аён эди. Кремль мазкур тақиқни Польшада эгизаклар ҳукуматни эгаллагани ва улар Россияга қарши сиёсат юритаётганига жавобан жорий этганди. (Расмий Москва бу усулга тез-тез мурожаат қилиб туради. Масалан, 2006 йили Грузия билан муносабатлар ёмонлашган пайтда грузин виноси экспорти ҳам эмбарго қўйилганди).

Ўз навбатида Польша ҳукуматининг Кремлга нисбатан тўнини терс кийиб олишини ҳам фақатгина гўшт экспорти тақиқланиши билан боғлаш тўғри эмас. Ака-ука Качинскийлар мазкур ҳодисадан анча олдинроқ Россияга нисбатан кескин позицияни танлагандилар.

Кўпчилик таҳлилчилар Москва-Варшава муносабатларини яхшилаш йўлларини тушунтиролмай турган паллада Польша ҳукумати тепасига либерал фикрли, мўътадил қарашли Дональд Туск келди-ю, жуда кўп саволларга жавоб топилди. Янги ҳукуматни шакллантирган Д. Туск энг аввало Россия билан алоқаларни яхшилаш ниятини билдирди. Агар унинг мухолифи бўлган аввалги бош вазир Кремль билан музокараларни мутлақо рад этган бўлса, у ҳамма ишни қўшни давлат билан тил топишишдан бошлади. Доналд Туск Россия Польша учун яхши ҳамкор бўлгани, муносабатлардаги совуқчилик эндиликда барҳам топишини айтди. Янги бош вазир билдирган фикрларининг амалий ифодаси сифатида Польша бундан буён Россиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлишига қарши эмаслигини эълон қилди.

Россиядек йирик давлатга Польша каби эндигина Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатнинг беписанд муносабати оғир ботгани турган гап. Лекин Доналд Тускнинг аввалги ҳукумат айбини тан олиб, муносабатларни яхшилашни таклиф қилгани Россия томонидан беэътибор қолдирилмади. Москва ўтган ҳафта барча можароларнинг "доя"си бўлган эмбаргони олиб ташлади.

Катта сиёсатда ҳар доим ҳам "саломга яраша алик" тамойили амал қилади. Польша ҳукумати ҳам Россия томонидан кўрсатилган эътиборга муносиб жавоб берди. Ташқи ишлар вазирлиги Польшанинг Россия-Европа Иттифоқи ҳамкорлик битими масаласидаги позициясини ўзгаришини эълон қилди.

Шу тариқа иқтисодий келишмовчилик бартараф бўляпти. Томонлар шу кунларда гўштга қўйилган тақиқни бекор қилиш тўғрисидаги битим ва ҳамкорликни янгидан кенгайтириш борасидаги ҳужжатлар имзолашга ҳозирлик кўришяпти.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

# Акциядорлик-тижорат «ТУРОН БАНК» жамоаси

TURON BANK

## Ватандошларимизни фазилатли айём — Қурбон ҳайити билан самимий қутлайди.







*Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин, дастурхонимиз тўкин, хонадонларимиздан қут-барака аримасин!*

**«Турон банк» — Сиз билан, Сиз учун!**

---

**САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ "ЖУМА-ҚУМ" КОНИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ.

ВАТАНИМИЗ ОСМОНИ ҲАМИША МУСАФФО, ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН.

ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ЖАМИКИ ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗНИ ИЖОБАТ ЭТСИН!

---

## Сурхондарё вилоят «Электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси

*Халқимизнинг муқаддас айёмларидан бўлмиш — Қурбон ҳайити билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.*





**Энг эзгу, энг ёруғ ниятларингиз амалга ошсин, хонадонларингиз ҳамиша ёруғ, бахт-иқболингиз баланд бўлсин.**

